

Xabar

10
(911)-son

5-mart

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

8 mart — Xalqaro хотин-қизлар кун

Ойдан-да гўзал алоқам аёллар

Оламнинг мунавварлиги, хонадонлар ободлиги, кўнгиллар чароғонлиги аёл билан. Айниқса, бугуннинг аёллари ҳақида ҳар қанча меҳру ифтихор билан гапирса арзийди.

Зеро, тиришқок, меҳнатқаш, зукко аёлларимизни ишлаб чиқаришнинг барча жабхаларида учратиш мумкин. Улар оила юмушларини, болалари тарбиясини катта масъулият-билан олиб бориш баробарида ишла ҳам ўзларига топширилган вазифани сикидилдан адо этмоқдалар. Ўзларидаги ақлу заковат, зиммаларидаги масъулият юқини чуқур хис этишлари тугайли жамоа орасида хурмат-эътиборга сазовор бўлмоқдалар.

8 Март — Халқаро хотин-қизлар кун арафасида ана шундай аёллардан бир гуруҳи — “Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телеграф-телефон станцияси” филиали фидойи мутахассислари ҳақида хикоя қилмоқчимиз.

5-бет

СУРХОНДАРЁДА СЕМИНАР

“Ўзбектелеком Мобайл” филиалининг Сурхондарё боғлама-сида хизматлар сотилишини кенг йўлга қўйиш ва PAYNET хизматини кучайтиришга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда “Сурхондарё Телеком” филиалининг телекоммуникациялар боғламалари бошлиқлари ҳамда операторлари иштирок этишди.



Кун тартибдаги масалалар юзасидан “Ўзбектелеком Мобайл” филиалининг бўлим бошлиқлари Умиджон Кўчқоров ва Дилмурод Раззоқовлар маъруза қилишди. Таъқидландики, абонентларни тармоққа улаш ва уларга юқори савияда хизмат кўрсатиш бугунги куннинг муҳим талабига айланган. Шу боис жойларда ягона оила тарзида ишни ташкил этиш лозим. Айни пайтда тармоқни кенгайтириш мақсадида шаҳар ва туманларда “Ўзбектелеком Мобайл” филиали шахобчаларини очишга эътибор қаратилди.

Н.ЗИЁЕВ



Сўнги янгилик!

Нuawei компанияси Бутунжаҳон мобил алоқа конгресси (GSMA-2010)да LTE технологияси воситасида 600 Мбит/сония тезликдаги маълумотлар узатиш имкониятини намойиш этди. Амалдаги 3G тармоқлардаги тезликка солиштирилса, бу 20 баравар юқори бўлиб, катта ҳажмли маълумотларни узатишда вақтни тежайди. Масалан, 4 Гбит DVD-филмни узатишга бир дақиқа ҳам кетмайди.

“Бу ечим кенг полосали мобил алоқа соҳасида янги саҳифа — гигабит тезликлар даврини очиб беради, — дейди компаниянинг симсиз тармоқлар бўйича вице-президенти Ван Бяо. — Ҳозир асосий эътиборни LTE технологиясини янада оммалаштиришга қаратганмиз, яъни маълумот узатиш таннархини камайитишга эришсак, у барча операторлар учун асосий фойда келтирувчи воситага айланади”.

Алоқа оламида:

Ушбу сонда:

- Ярмаркада АКТ янгиликлари намойиши 2
- Телефонингиз “оригинал”ми? 4
- Сотрудничество 6
- Ўқи, излан, камол топ, Ёшлик! 12
- Хуш келдинг, баҳор! 14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

Uz Net
Internet Service Provider

— сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

26 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ҳамда “Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси ҳузурда “Ижод” фондиди ташкил этиш тўғрисида”ги қарорга имзо чекди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Б.Ю.Ходиевни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, А.Р.Мараҳимовни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири, Ж.Г.Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозимига тасдиқлаш тўғрисидаги ҳамда А.А.Абдуҳакимовни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи лавозимига тасдиқлаш тўғрисидаги фармонлари эълон қилинди.

Тошкент шаҳрида мамлакатимизда 2010 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва тизимдаги янгилıklarга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда пойтахтимизда фаолият юритаётган етмишга яқин йирик корхоналар раҳбарлари ва бухгалтерлари иштирок этди.

Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Цутому Хираока 1 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов билан учрашди. Учрашув якунида Ўзбекистон билан Япония ҳукуматлари ўртасида маданият соҳасида беғараз ёрдам дастури доирасида Алмашув ноталари имзоланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг овоз, ёритиш, аудиовизуал ускуналарини яхшилаш лойиҳасини амалга ошириш учун 33,2 миллион иен (қарийб 330 минг АҚШ доллари) ажратилади.

Бухоро шаҳрида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаоллигини оширишга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Унда депутатларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларнинг қонулар ижросини таъминлашдаги вазифалари, жамоатчилик назоратини таъминлашда депутатнинг иштироки каби масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Атиргул” танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ўн икки нафар журналист ғолиб деб топилди ва тақдирланди.

Мамлакатимизнинг Туркменистондаги элчихонасида “Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги” мавзусига ва Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган ташаббусларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

1-3 март кунлари пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, Ташкилоти иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга таъбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида ўтказилди.

Ярмаркада АКТ янгиликлари намойиши

Инновациялар ярмаркасида вазирликлар, идоралар, банклар, миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқларидаги корхоналар, жумладан, хусусий ва қўшма корхоналар, фермер хўжалиқлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар, олий ўқув юрталари, илмий марказлар, таъриба-конструкторлик ташкилотлари, шунингдек, қатор халқаро ва молия тузилмалари вакиллари иштирок этишди.

III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида қарийб 500га янги ишланма намойиш этилди. Шу жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид янгилıklar ҳам “Ахборот технологиялари” секторидан ташриф буюрувчилар эътиборига ҳавола этилди. Ярмаркада “Ўзбектелеком” АК “ТШТТ” филиали томонидан учта лойиҳа қўйилди. Булар — Тошкент шаҳар телефон тармоғидаги барча рақамли телефон станцияларини бошқарадиган ягона мониторинг маркази лойиҳаси, ADSL тестери ва металл қидирувчи қурилмалардир. “ТШТТ” филиали етакчи мутахассиси Александр Мироновнинг таъкидлашича, рақамли телефон станцияларини бошқарадиган ягона мониторинг маркази лойиҳасининг афзаллиги шундаки, у станцияларда юзга келадиган авариявий ҳолатни ўша вақтнинг ўзида аниқлаш ва уларни қисқа муддат ичида бар-тараф қилиш, шунингдек, тақдим этилаётган алоқа хизмати



UZINFOCOM стендида gov.uz ва nis.uz лойиҳалари намойиш этилди.

сифатини кескин ошириш имконини беради. Металл қидирувчи қурилма эса кабелчилар меҳнатини оsonлаштиради, уларга тўпроқ ёки асфалт остидаги кабел қудуқларини тез топишда ёрдам беради.

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳам қатор лойиҳалар билан иштирок этди. — Ярмаркада нафақат университетимиз, балки филиалларимиз ҳам ўз янгилıkları билан қатнашди, — дейди ТАТУ Ахборот технологиялари маркази бошлиғи Суннатилла Орзиқулов. — Иштирокчилар эътиборига тақдим этилган тўққиз лойиҳамиз, жумладан, “Масофавий таълим тизими платформаси”, “Е-университет визуал тизими”, “Ат-роф-муҳитда захарли, ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд бўлган газларни аниқлаш бўйича масофавий радиомониторинг тизими”, Самарқанд филиалининг “Қўлёзма ҳарфларни ва рақамларни таниб олиш дастури”, Нукус филиалининг

“Электрон ресурслар кутубхонаси” ва бошқа лойиҳалар ташриф буюрувчилар қизиқишга сазовор бўлди. “Ахборот технологиялари бўйича мультимедиа интерактив ўргатувчи дастурий мажмуа” бўйича қизиқувчилар сони кўп бўлиб, шу ернинг ўзида шартномалар имзоланди.

Дарҳақиқат, ушбу дастурнинг ўзига хос жиҳатлари борлигига биз ҳам гувоҳ бўлдик. У замонавий мультимедиа технологиялари асосида яратилган бўлиб, тингловчиларга мустақил равишда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича билан ва қўнималарини ҳосил қилиш имконини беради экан. Дастурда танланган машғулотни изоҳли, тасвирли, товушли ва анимацияли кўринишда намойиш этиш, намойиш қилинган машғулотларни амалдий бажариш имкони мавжуд. Машғулотлар ўзбек тилидаги лотин алифбосида тайёрланган.

“Ахборот технологиялари” секторидан намойиш этилган бошқа — Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти, “UZINFOCOM”, “UNICON.UZ”, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўлаб-қувватлаш, Республика ахборот-кутубхона ҳамда Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение марказлари, “TELMAX ELEKTRONIKS” ИЧК МЧЖ, АТ “Алоқабанк” томонидан тайёрланган ишланмалар ҳам соҳамизда инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини кўрсатади.



АТ “Алоқабанк” тақдим этган ишланмалар ярмарка иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

➔ DASTUR VA IJRO

Кишлокларда телефон ва почта хизмати

Аҳолининг почта ва телекоммуникация хизматларига эҳтиёжи давр билан ҳамнафас янги боскичларга кўтарилмоқда. Бу замонвий эҳтиёжларни қондириш алоқа ва ахборотлаштириш тизими соҳасида янги ютуқ ва натижаларни кўлга киритиш сари етаклаши табиий.


Жумладан, ўтган “Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури”нинг почта ва телекоммуникация масалалари бўйича белгиланган бандларини бажариш юзасидан Навоий вилоятида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди ва бу йўналишдаги талбирлар давом эттирилмоқда. Бугунги кунда вилоятнинг кишлоқ ҳудудларида жойлашган мактабларидан 33таси “RWC” қўшма корхонаси (Perfectum Mobile) ва 47таси UzMobile боғламаси томонидан телефон алоқаси ва интернет билан таъминланди. Шунингдек, Нурота туманидаги 2та, Қизилтепа

туманидаги 10та, Навбахор туманидаги 14та, Хатирчи туманидаги 9та болалар боғчаси UzMobile боғламаси, Кармана туманидаги 3та болалар боғчаси Perfectum Mobile, Нурота, Томди, Қизилтепа, Навбахор, Конимех туманларидаги 25та болалар боғчаси эса “Навоий Телеком” филиали томонидан телефонлаштирилди. Кишлоқ ҳудудларидаги аналог телефон станцияларини реконструкция қилиш учун бта рақамли “ЭЛ-СГМ” АТСлар олиб келинди ва ишга туширилди. Жумладан, Навбахор туманидаги Кескентерак кишлоқ телефон станцияси 416 рақам-

га, Хатирчидаги Амир Те-мур ва Ибн Сино кишлоқ телефон станцияларининг ҳар бирига 208 рақамга, Қизилтепа туманидаги “Ўзбекистон” кишлоқ телефон станцияси 160 рақамга, Конимех туманидаги Янгибод кишлоқ телефон станцияси 208 рақамга хизмат кўрсатиши йўлга қўйилди.

Бориш қийин бўлган кишлоқ жойларидаги аҳолига кўчма почта алоқаси хизмати бўлимларини ташкил этиш мақсадида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ томонидан 2та “Дамас” русумли автомашина сотиб олинди ва аҳолига почта алоқаси хизматини кўрсатиш йўлга қўйилди. Замонвий қулайликлар кишлоқ тараққиётига хизмат қилмоқда.

Маруся ҲОСИЛОВА,
“Хабар”нинг
Навоий вилоятидаги мухбири



Газета ва китоблар дўкони

Косон туманида Кашкадарё вилоят “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси томонидан бунёд этилган газета ва китоблар дўконини фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди.

Соҳа раҳбари ўтган йилдаги ҳайъат йиғилишларининг бирида “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компаниясининг фаолиятини жадаллаштириш, нафақат обуна ва даврий нашрларнинг чакана савдоси билан шугулланиш, балки хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш мақсадида китоблар дўконларини ташкил этиш тўғрисида тўхталиб ўтган эди. Ана шу вазифаларни бажариш юзасидан вилоят “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси Бешкент шаҳрида бу хизматни йўлга қўйган эди. Энди Косон туманида ҳам замонвий усулда барпо этилган газета ва китоблар дўкони фаолият бошлади.



Яқин кунларда ана шундай мажмуа Китоб туманида ҳам фойдаланишга топширилади.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг
Кашкадарё вилоятидаги мухбири

➔ KASABA UYUSHMALARI HAYOTIDAN

БАНДЛАР ТЎЛИК БАЖАРИЛДИ

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Андижон филиалида маъмурият ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ҳисобот даврида Шаҳрихон почта алоқаси тармоғига қарашли Соқобод, Найман, Бобочек алоқа бўлимлари капитал таъмирдан чиқарилди, Балиқчи ПАТ Мирзобошичек ва Ҳақиқат алоқа бўлимлари, Бўз ПАТ Хаваст, Дўрмонча, Янги ҳаёт алоқа бўлимлари, Улуғнор ПАТ Оқтом, Гулобод, Охунбобоев ПАТ Капа алоқа бўлими, Пойтуғ ПАТ Яккатут алоқа бўлими, Пахтабод ПАТ Елғизбоғ, Ҳақиқат, Пахтабод-1, Пахтабод-3 алоқа бўлимлари, Хўжаобод ПАТ Манак, Кўтарма, Дилқушод, Қоратаит алоқа бўлимлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Асака ПАТ Кужган, Қайрағоч алоқа бўлимлари, Марҳамат ПАТ Хўжаариқ алоқа бўлими, Олтинкўл ПАТ Кўмакай, Алам, Қўштепа, Далварзин, Оқтепа, Пойтуғ ПАТ Туячи, Чумбоғич, Ботиробод, Чуама, Куйганёр ПАТ Заурак алоқа бўлимлари жорий ва мукамал таъмирдан чиқарилиб, замонвий ҳолатга келтирилди.

Барқамол авлод йилида филиалда хизмат қилаётган ёш ходимлар ўртасида меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш борасида кўрик-танловлар ўтказиш режалаштирилган.

Конференцияда вилоят алоқа ходимлари бirlашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси П.Ҳошимов сўзга чиқиб, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Андижон филиалида 2009-2011 йиллар учун тузилган жамоа шартномасида кўрсатилган барча бандлар тўлиқ бажарилганлигини изоҳлаб ўтди ва филиал маъмуриятига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Сойибназар СУЛТОНОВ
Андижон вилояти

UCellдан

Янги видео хизмат

“COSCOM” МЧЖ ХК (UCell савдо белгиси) ўз абонентларига янги – “3G Видео почта” хизматини тақдим этди.

Сизнинг видео қўнғирингиз энди доимо қўнғирроқ қилинган абонентга етиб боради. Бу хизмат ёрдамида абонентга видео-хабар қолдириш мумкин. Чақурилган томон ёзиб олинган видеони MMS шаклида олади.

Хизматдан компаниянинг барча абонентлари фойдаланишлари мумкин. Хизмат “Видео қўнғирроқ” хизматини тақдим этиш шартларига асосан нархланади.

Телефонингиз “оригинал” ми?

Дўстлар билан уяли телефон хақидаги суҳбатларимиз кўпинча аини шу савол билан бошланади. Сир эмаски, машҳур брендлар остида бугун дунёнинг кўплай мамлакатларида ноқонуний равишда мобил телефонлар ишлаб чиқарилади.

Оқибатда, телефонларнинг ҳақиқий ёки қалбакисини фарқлай олмаган харидорлар сифатсиз алоқадан асабийлашишга мажбур бўлишади.

Республикамиз боғжоначилари томонидан сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган уяли телефонларнинг ноқонуний олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Навоий вилояти боғжоначилари фуқаро О.Темировнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига нукта қўйилди. Қонунбузарнинг қиймати 12 млн. сўмлик 12 турдаги 13 дона уяли телефони, шунингдек, 25 дона Flash Card ва бошқа воситаларининг боғжона расмийлаштирувни тасдиқловчи биронта ҳам ҳужжатлари йўқ экан. Вилоят боғжоначилари яна бир “тадбиркор” Ш.Бекназаровни 5 турдаги 14 дона уяли телефони ноқонуний равишда сотаётган пайтда тўхтатиб қолишди. Чунки, қиймати 1,1 млн. сўмлик ушбу товарларнинг сифати

кафолатланмаган ҳамда тегишли ҳужжатлари йўқ экан.

Дубайдан қайтган фуқаро М.Мустафоев Тошкент аэропортида бироз “ушланиб” қолди. Сабаби, у 19 дона уяли телефон ва 125 дона USB Flash Cardни яширинча олиб ўтаман деб адашган эди. Қонунбузар қиймати салкам 4,6 млн. сўмлик ушбу маҳсулотлар ҳақида на боғжона баённомасида, на оғзаки сўров пайтида маълум қилишни “унутиб” қўйибди.

Сурхондарёлик боғжоначилар томонидан “Нексия” русумли автомобил боғжона назоратидан ўтказилганда термизлик Н.Жумаев томонидан 23 дона уяли телефон яширинча олиб кетилаётганлиги аниқланди. Қонунбузар “Nokia”, “Siemens”, “Samsung”, “Motorola” каби машҳур русумлардаги ушбу телефонларнинг боғжона расмийлаштирувни тасдиқловчи биронта ҳам ҳужжатини тақдим қила олмади.

Қашқадарё вилоятида эса “Мер-

➔ QILMISH-QIDIRMISH


седес-Бенц” автобуси боғжона назоратидан ўтказилганда, 25 дона уяли телефоннинг яширинча олиб кетилаётганлиги фош этилди. Тегишли ҳужжатлари бўлмаган ва сифати кафолатланмаган, қиймати 1,2 млн. сўмлик ушбу алоқа воситалари фуқаро Р.Султоновга тегишли экан.

Андижонлик боғжоначилар ҳам 2та ҳолатда қиймати 18 млн. сўмдан ортқ уяли алоқа воситаларининг юртимизга ноқонуний олиб кирилишига чек қўйишди. Хўжаобод туманининг чегарадош ҳудудида фуқаро А.Иброҳимова Хитойда ишлаб чиқарилган 30 дона “Nokia” телефонини яширинча олиб киришга уринган пайтда фош этилди. Шунингдек, вилоят боғжоначилари фуқаро Д.Мирзамўйидиновани йирик миқдорда, яъни 143 дона “Nokia” ва “Samsung” русумли уяли телефонларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз юртимизга ноқонуний олиб киришга уринган пайтда тўхтатиб қолишди.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари давом этмоқда.

Хусен ТАҒРИЕВ,
Давлат боғжона қўмитаси
матбуот хизмати инспектори

Xalqaro hayot



КОБУЛДА КЎПОРУВЧИЛИК

Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида бир нечта кўпорувилик ҳаракатлари содир этилган.

“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги хабар беришича, “Толибон” ҳаракатининг тўрт нафар вакили шаҳар марказида ўзларини портлатиб юборишган. Оқибатда етти киши ҳаётдан кўз юмган, йигирмадан ортиқ одам жароҳатланган.

ДОВУЛ ДАВОМ ЭТЯПТИ

Европанинг гарбий ҳудудларида давом этаётган “Ксинтия” номли довул катта талафотларга сабаб бўлди.



“Франс пресс” ахборот агентлиги хабар тарқатишича, довул оқибатида 52 киши қурбон бўлган. Францияда бир миллион киши электр манбаидан узилиб қолган. Мамлакат ҳукумати табиий офатдан зарар кўрган аҳолига ёрдам учун бир миллион евро маблағ ажратди.

ТЕЗЛИК МЕЪЁРИДАН ОШИРИЛСА...

Мексиканинг жануби-шарқий ҳудудидаги Чяпас штатида автобус ағдарилиб кетган. Бу ҳақда “ИТАР-ТАСС” ахборот агентлиги хабар тарқатган. Бахтсиз ҳодиса оқибатида тўққиз киши ҳаётдан кўз юмган, 21 киши жароҳатланган.

Маҳаллий полиция вакиллари айтишича, ҳалокат автобус ҳайдовчисининг айби билан рўй берган. У тезликни меъёридан оширгани натижасида автобусни бошқара олмай қолган.

САККИЗ ДАВЛАТ КЕЛИШУВИ

“Франс пресс” ахборот агентлиги хабарига кўра, Тинч океани минтақасида яшовчи саккиз давлат балиқ овлаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида янги ташкилот тузмокчи.

Бу борадаги келишувга саккиз давлат раҳбарлари иштирокида Палау Республикаси пойтахтида ўтказилган йиғилишда эришилган. Бундан хорижий компанияларга Тинч океани ҳудудидан балиқ тутишда қулай шароит яратиб бериш мақсади кўзланган.

“Apple” ДЎКОНЛАРИНИ КЎПАЙТИРМОҚЧИ

Дунёга машҳур “Apple” компанияси икки йил ичида Хитойда 25та савдо дўкони очмокчи.

Ушбу маълумот компания акциядорларининг йил якуналарига бағишланган йиғилишида айтиб ўтилган. Шунингдек, тадбирда ташкилотнинг директорлар кенгаши қайтадан сайланган.

Айни пайтда Хитойда компаниянинг битта савдо дўкони фаолият юритмокда.

ХИТОЙ ЎЗ КЕМАСИНИ КИДИРИШГА КИРИШДИ

XV асрда хитойлик савдогарларга тегишли кема Кения қирғоқларида гарқ бўлган эди, дейлади “Синхуа” ахборот агентлиги хабарига.

Мазкур кемани қидиришга жорий йилнинг июл ойидан бошлаб киришилади. Бу борада Кения ва Хитой ҳукуматлари ўртасида ўзаро келишув ҳужжати имзоланган. Лойиҳа уч йилга мўлжалланган бўлиб, тадқиқот ишлари Кениянинг Малинди шаҳри атрофида олиб борилади.

XAVFSIZLIK

«ЯНДЕКС»

АНТИВИРУСИ

Россиянинг «Яндекс» интернет-қидирув тизими фойдаланувчиларни потенциал хавfli сайтлардан огоҳ этувчи ўз антивирусини ишлаб чиқди.

«Яндекс» илк маротаба вирусли сайтларни аниқлашга ўтган йилнинг май ойидан Sophos компанияси антивируси ёрдамида киришган эди. Энди ўз технологиясини ҳам қўллаш орқали янада яхшироқ натижага эришмокчи.

INTERNET

Opera 10.50

ТАҚДИМОТИ

Норвегиянинг Opera компанияси Opera 10.50 браузерининг якуний таққини чиқарилганини расман эълон қилди.

Муаллифларнинг айтишларича, бу ҳозиргача Windows учун чиқарилган браузерларнинг энг тезкоридир. Унда ишлов беришнинг янги механизми — JavaScript Carakan ва Vega графика кутубхонаси технологияси қўлланган.



TV

Skype Samsung

ТЕЛЕВИЗОРЛАРИДА

Samsungнинг янги русумдаги LED 7000 ва 8000 туркумига кирувчи телевизорлари 2010 йили Skype дастурий таъминоти қурилмаси билан жиҳозланади. Бу жаҳондаги энг йирик VoIP сервис фойдаланувчиларига телевизор орқали видео ва овозли кўнғироқларни амалга ошириш имконини беради.

Ҳозирча маҳсулот Жанубий Корея бозорига чиқарилапти, йил ўрталарига бориб жаҳон бозорига ҳам пайдо бўлади.



ALOQA OLAMIDA

TADQIQOT

ЭНГ ХАВФЛИ ВА ХАВФСИЗ

ТЕЛЕФОНЛАР

Америкадаги EWG (Environmental Working Group) мустақил тадқиқотлар гуруҳи радиочастоталар нурланиши жиҳатидан энг хавfli ва хавфсиз телефонлар рейтингини эълон қилди.

Тадқиқотчилар оммалашган ва қиммат смартфонлар — Motorola Droid (1,5 Вт/кг), BlackBerry Bold 9700 (1,55 Вт/кг), LG Chocolate Touch (1,46 Вт/кг) ва HTC Nexus One (1,39 Вт/кг)нинг радиочастоталар нурланиш даражаси максимал меъёрга энг яқин деган хулосага келишди.

Энг хавфсиз телефонлар сифатида Sanyo Katana II (0,55 Вт/кг), Samsung Rugby (0,57 Вт/кг), BlackBerry Storm 9530 (0,57 Вт/кг) ва Samsung I800 Omnia II (0,62 Вт/кг) эътироф этилди.

ЯНАДА ТЕЗ ВА

ТЕЖАМКОР

IBM корпорациясининг IBM Research ташкилоти янги математик алгоритм асосида ҳисоблаш тартибини, харажатлар ва электр қувватини икки баравар камайтириш ҳисобига катта ҳажмли маълумотларни таҳлил қилиш имконини берувчи усул ишлаб чиқилганини маълум қилди. Бу усул вақтни тежаш, шунинг баробарида янада аниқ ва яхшироқ таҳлилий натижаларга эришишда қўл келади.

Тадқиқотда энг кучли ҳисоблаш тизимлари рўйхатида тўртинчи ўринда Германиянинг Юлих шаҳарчасидаги илмий-тадқиқот марказининг Blue Gene/P компютеридан фойдаланилди. У терабайт ҳажмли маълумотларни таҳлил қилиб берди. Эътиборли томони, суперкомпютер бу вазифани 20 дақиқада бениқсон удаллади. Агар аввалги усул қўлланилса, бунинг учун роппа-роса бир кун кетарди. Яна бир афзаллиги, янги усул учун илгарилари сарфланган энергия қувватининг бор-йўғи 1 фоизи сарфланди, холос.

JAMIYAT

СеВІТ 2010 ИШ БОШЛАДИ

Ганновер (Германия)да 2 март куни СеВІТ 2010 ахборот технологиялари кўргазмаси иш бошлади. Унинг бу йилги бош мавзуси “Боғланган дунёлар” (Connected Worlds) деб аталди.

Жорий йилги тадбир расмий ҳомийси Испания. Мамлакатнинг 75та компанияси 7 павилонда банк, молия, телекоммуникациялар, интернет, дастурий маҳсулотлар ва “яшил” технологиялар бўйича ўз тақдимотини ўтказмокда.

Умуман олганда, кўргазмада 68 мамлакатнинг 4157 компанияси қатнашапти. Ташкилотчилар ташриф буюрувчилар сони 400 минг кишига етишини тахмин қилишапти.

Google — КАНЗАС ШТАТИ ПОЙТАХТИ...

Топика шаҳри (АҚШнинг Канзас штати пойтахти) мэри шаҳар номини вақтинча Google деб аташ тўғрисида буйруқ чиқарди. Норасмий ном март ойи давомида амалда бўлади.

Шаҳар раҳбарлари шу йўл билан Google интернет-қидирув компанияси эътиборига тушиш ва унинг тезлиги 1 Гбит/сониядан кам бўлмаган оптик толали тармоқ барпо этиш лойиҳасида қатнашмокчи.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

Ойдан-да гўзал алоқачи аёллар

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Она изидан

Бирор бир соҳанинг керакли мутахассиси сифатида махсус топширик билан хали у вилоятда, хали бу шаҳарда ишлаб юрувчиларнинг фарзандлари ҳақида гап кетгудай бўлса, улар мактабдан мактабга кўчиб юриб, яхши билим олишлари кийин дейишади. Лекин доим ҳам бундай бўлавермас, ҳамма гап болаларнинг билимга ташналигида экан.



“ТошТТС” филиали менежмент тизими ва сифатни стандартлаштириш бўлими бошлиғи Лариса Карцевич алоқа соҳасининг тажрибали мутахассисларидан бири Тамара Бажанованинг қизи. Хизмат тақозоси билан Т.Бажанова республикамизнинг турли вилоятларида меҳнат қилди. Лекин у болалари тарбиясини ҳам эътибордан четда қолдирмади. Натижада Лариса 1990 йилда Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кирди. Олийгоҳни тамомлагач, йўлланма билан “ТошТТС” филиалига ишга келди ва ҳамон шу ерда фаолият юритмоқда.

Ўтган илгирма йил Лариса учун ўрганиш, изланишлар йилли бўлди. Оддий муҳандисликдан иш бошлаган фидойи аёлнинг бўлим бошлиқлиги даражасига етиши ундаги касбига бўлган меҳр, қизиқишнинг оқибати, албатта.

Лариса онасидан фарзанд тарбиясини биринчи ўринга қўйишни ўрганди. Қизи Екатерина айна пайтда Тошкент архитектура-қурилиш институтида ўқимоқда. У ҳам буви ва онаси каби юрт ривожига учун ҳалол меҳнат қилиш ниятида.

Республикамиз алоқа соҳаси фахрийлари фидойи инсон Туроб ака Комилов (Аллоҳ ўз раҳматига олсин) номини яхши билишади. Туроб ака “ТошТТС” филиалида 45 йилдан ортик самарали меҳнат қилган.



Сулоланинг вакиласи

Туроб ака Нафиса ая билан беш нафар фарзандни вояга етказишди. Уларнинг уч нафари отасининг умри ўтган мазкур филиалда ишлаб, Туроб Комилов бошлаган эзгу ишларни давом эттиришмоқда. Навбатдаги қаҳрамонимиз ана шуларнинг бири Фотимахон Фуломовадир.

— Оиламизда асосан алоқачи ривожлантириш, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гап борганлиги сабаб, биз фарзандларда ҳам шу соҳага қизиқиш уйғонган, — дейди Фотимахон. — Тошкент алоқа техникумини тугатгач, шу ерга ишга келдим. Устозим Абдумалик ака Ҳошимов билмаганларимни ўргатиб, ишдаги муваффақиятларимга сабаб бўлдилар. Айна пайтда опам Ҳакимахон Абдуллаева иккинчи бўлим бошлиғи, укам Хусан муҳандислик вазибаларида ишлашяпти.

Корхонанинг телеграф алоқа цехида 30 йилдан бери фаолият юритаётган Фотима Фуломова шу ерда ишлаётганидан, отаси руҳини шод этаётганидан мамнун.

— Корхонамизда аёллар меҳнати алоҳида қадрланади, — дейди у. — Байрамларда чиройли дастурхон тузалади, даволанишимиз, фарзандларимизнинг ёзги дам олишлари учун имтиёзли йўлланмалар берилади. Биз аёлларнинг иш вақтимиз бир соатга қисқартирилган. Муносабат шундай бўлгач, самарали напжага эришиш учун ҳаракат қиламиз-да!

Одатда касбига меҳр қўйган, оғир-вазмин, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳурмат қиладиган одамлар бир жойда узок йиллар ишлайдилар. Ундайларни ҳамкасблари ҳурмат қилади, кадрлайди.

Оксана Шкадко хақида гап кетгудай бўлса, “ТошТТС” филиали ходимлари “Бизнинг Оксана меҳнатсевар, ўз ишига виждонан, масъулиятни чуқур хис қилган холда ёндашувчи, жамоат ишларида фаол, раҳбарият томонидан берилган топширикни тез ва сифатли адо этувчи ходим” дея таъриф беришади.

Бир касбда 31 йил

“ТошТТС” филиали коммутаторлик цехида ўттиз йилдан ортик вақт давомида телефончилик қилиб, жамоа орасида алоҳида ҳурматга сазовор бўлаётган ана шундай аёллардан бири Нортोजи Абдурасуловадир.

Нортोजи 1978 йилда телефончи шогирдликдан иш бошлади. 1978 йилдан 3-даражали, 1980 йилдан 2-даражали, 1983 йилдан бугунги кунгача 1-даражали телефончи лавозимида ишлаб келмоқда.

Н.Абдурасулова ўз меҳнат фаолияти давомида цехда мавжуд бўлган АДОМОС, “Хабардор қилиб қўйиш столи” ва “Халқаро алоқа хизмати” каби иш ўринларини мукамал ўрганди ва тажриба орттирди. У иш қуни давомида ўртача 50-60 нафар мижозга хизмат қилади. Мижозларга давлат ҳамда инглиз тилида стандарт бўйича жавоб беради, улаб бериш чоғида барча билан хушмуомалада бўлади, уларга улашишдаги афзалликларни тушунтиради. Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишда у доим изланишда. Ўзининг меҳнатдаги юқори натижалари, интизоми ва сифат кўрсаткичлари билан цехда юқори ўринларни эгаллаб келган. Коммутатор цехида режа бўйича ўтказиладиган техник машғулотларда ҳам фаол қатнашади. Ҳамкасбларидан ўз маслаҳатлари ва ёрдамини аямайди.

Билимдон ва меҳнатсевар ишчи сифатида корхонанинг фахрий ёрлиғи ва ташақкурномалари билан тақдирланган Нортोजи Абдурасулова оилада ҳам меҳрибон ёр, Озода, Шаҳноза, Нигора каби добар қизларнинг меҳрибон онаси.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Иккиси ҳам алоқачи



Оксана ҳақиқатан ҳам ана шу фазилатларга эга. Шунинг учун ҳам у катта ҳурматга сазовор.

Тошкент ахборот технологиялари коллежини аъло баҳоларга битирган Оксана тўғри шу ерга ишга келди ва 3-тоифали электромонтёр вазифасида иш бошлади. Шунга ҳам 22 йилдан ошибди. Бугунги кунда О.Шкадко корхона линия-аппарат цехининг етук мутахассиси.

Оксана тотув оиланинг бекаси. Унинг турмуш ўртоғи Радик Аблаев ҳам алоқачи — “Ўзбекнефтегазалоқа” техник ишлаб чиқариш

бошқармасида алоқа электромеханиги бўлиб ишлайди. Фарзандлари Руслан ҳамда Элзалар ҳали ёш.

— Мен бахтли аёллардан бириман, — дейди Оксана табассум билан. — Аввало, Ўзбекистондай жаннатомонанд юрт фуқаросиман. Юртимиздаги ривожланиш, алоқа соҳасида олиб борилаётган улкан ишлар, қўлга киритилаётган ютуқлар мени хурсанд қилади. Қолаверса, турмуш ўртоғим ҳам мени тушунадиган инсон. Фарзандларимизни ақлли, замонга мос билимли қилиб тарбияляпмиз.

Фарзандларинг роҳатини кўр, Оксана!

Сотрудничества

Ташкентского университета информационных технологий университетам, научными центрами и организациями Южной Кореи

Ташкентский университет информационных технологий (ТУИТ) активно сотрудничает с корейскими университетами и научными учреждениями. За последние годы заключены более 10 договоров, соглашений и меморандумов о сотрудничестве в области обмена профессорско-преподавательским составом, аспирантами и студентами, организации научных стажировок и курсов повышения квалификации, открытие совместных учебных и научных центров со следующими университетами и научными организациями Южной Кореи:

- Корейское агентство развитие цифровых возможностей (KADO)
- Научный центр интернационализации информационных технологий (ITIRC)
- Научный институт электроники и телекоммуникации (ETRI)
- Корейский институт науки и информационной технологий (KISTI)
- Корейский институт электронных технологий (KETI)
- Университет информатизации и коммуникации (ICU)
- Сеулский национальный университет (SNU)
- Университет Ёнгам (YU)
- Университет Конкук (KU)
- Университет Кукмин (KMU)
- Национальный университет Чоннам (CNU)
- Университет Ханнам (HNU)
- Университет Кюнг Хи (KHU)
- Корейский институт электронной инженерии (IEEK)
- Университет Инха

При поддержке Министерства информации и коммуникации Республики Кореи и совместно с Корейским агентством развитие цифровых возможностей (KADO) был организован 2007 году Узбекско-Корейский центр информационного доступа (Интернет Плаза). Центр состоит из 4 комплексных комнат: компьютерный учебный класс на 36 мест, Интернет класс на 22 мест, класс для семинара на 48 мест и

офис для работников. Сумма инвестиций составил 128 тыс. долл. США. Средства центра используется не только для учебного процесса, но и как инструмент для общественного пользования, повышения уровня местного населения по компьютерной грамотности и для развития информационных технологий между странами.

Совместно с Корейским научным центром интернационализации информационных технологий (ITIRC) создан в 2007 году Центр информационных технологий ТУИТ-ITIRC. Центр имеет компьютерный класс на 12 мест, научно-исследовательская лаборатория, выставочная комната современных корейских информационных технологий, офис для работников. Общая сумма инвестиций составил 80.000 долл. США. В центре ведутся учебные курсы, научные проекты по различным программам.

На постоянной основе в сотрудничестве с корейскими учебными центрами и исследовательскими учреждениями на базе ТУИТ проводятся международные конференции, совместные семинары и учебные курсы: ALPIT-2006 по теме «Информационные технологии и Азиатские языки» в сотрудничестве с KIPS и ITIRC, ISMOCCA-2007 по теме «Мобильное вычисление, связи и приложение» совместно с ITIRC и KETI, ICEIC-2008 «Электроника и инфокоммуникация» совместно с Корейским институтом электроники и электротехники (IEEK), IPRA-2006/2007/2008/2009 по теме «Развитие информационных технологий в Азии» совместно с ETRI и ITIRC.

Ежегодно на регулярной основе проводится взаимный обмен студентами, аспирантами и преподавателями. В настоящее время в университетах Кореи обучаются и проводят исследовательские работы 10 магистрантов и 9 докторантов из ТУИТ.

В свою очередь, 2006–2009г.г. для проведения и участия в совместных семинарах и конференциях с ТУИТ Узбекистан посетили более 400 профессоров, преподавателей и студентов из университетов и исследовательских центров Республики Кореи.

Начиная с 2007 года ежегодно регулярно по программе KADO посещают в ТУИТ группа корейских интернет волонтеров в количестве 8 студентов для обмена знаниями и проводят 3–4 недельные курсы в области ИТ для студентов университета.

Наименование вуза	Число студентов
Университет Конкук	4 магистратура
Университет Кукмин	3 магистратура
Университет Ёнгам	5 докторантура 1 магистратура
Университет информатизации и коммуникации	2 докторантура
Сеулский Национальный университет	1 докторантура
Университет Кюнг Хи	1 магистратура
Университет Ханнам	1 магистратура 1 докторантура
Итого:	9 докторантура 10 магистратура

2009 году "Корейский Исследовательский Фонд для XXI века" и университет Инха в рамках программы "Корейская молодёжная ИТ образовательная программа для студентов университетов Узбекистана" предоставил ТУИТ на безвозмездной основе 20 компьютеров, на общую сумму 14500 долл. США.

Совместно с УзАСИ ведутся работы по организации тренингов по использованию ИКТ на основании модулей Академии UN-APCIST (Тренинг Центр Организации Объединенных Наций по Информационно-Коммуникационным Технологиям для развития в Азии и Тихоокеанском Регионе) через региональное учреждение Экономической и Социальной Комиссии Организации Объединенных Наций для Азии и Тихоокеанского Региона (UNESCAP), чей офис расположен в Республике Корея.

В рамках Государственного визита Президента Республики Узбекистан в Республику Корея в феврале

2010 года были подписаны Меморандумы о взаимопонимании между Узбекским агентством связи и информатизации, Ташкентским университетом информационных технологий с Университетом Инха, а также с Корейским институтом электронных технологий (KETI). Меморандумы подписали Президент Университета Инха Бон Су Ли и Президент КЕТИ Пён Рак Чой. Были отмечены, что подписанные Меморандумы послужат основой для развития сотрудничества в области подготовки кадров в сфере информационно-коммуникационных технологий.

Согласно Меморандуму о Взаимопонимании между Ташкентским университетом информационных технологий и университетом Конкук (Южная Корея) в период 16–26 февраля 2010 года в ТУИТ проводился семинар на

тему "Практическое применение программной системы Linux" с участием профессора и студентов из университета Конкук.

22 февраля 2010г. в университете состоялась встреча ректора ТУИТ С.С.Касимова с руководством Корейского института электронных технологий (KETI) — Президентом института г-ном Пён Рак Чой и Вице-президентом г-ном Хванг Хак Ин. На встрече была отмечена значимость подписанного 9 февраля 2010 г. в рамках Государственного визита Президента Республики Узбекистан в Республику Корея Меморандума о взаимопонимании между Узбекским агентством связи и информатизации, Ташкентским университетом информационных технологий и Корейским институтом электронных технологий (KETI) о сотрудничестве в области развития образования и науки в сфере ИКТ.

Сабиржан ЮСУПОВ,
начальник отдела
международных связей ТУИТ


В доменной зоне «uz» 10 000 доменов

24 февраля 2010 года доменная зона «UZ» преодолела рубеж в 10 000 доменных имен. Напомним, что согласно статистике, отметка в 9 тыс. доменных имен была зафиксирована 28 сентября 2009 года.

Всего за прошедший год в доменной зоне «UZ» было зарегистрировано свыше 4 500 новых доменных имен.

По данным статистики Администрации доменной зоны «UZ», на сегодняшний день 59% доменных имен зарегистрировано юридическими лицами, а 41% — физическими. Наибольшее количество доменов — 80,17% числится за резидентами Республики Узбекистан.

Отметим, что в доменной зоне «UZ» сегодня действуют семь регистраторов — Tomas, Billur Com, Arsenal-D, Sarkor Telecom, Amaliy Aloqalar Biznesi (BCC), Simus и TV-Inform, подробные контактные данные которых можно найти в разделе Регистраторы.



Хабар +tv

ОУБОСАТОН

Хотин - қизлар кунли.
 5.55 Курсатгулар дастури.
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 7.00 «Икким»
 7.05 8:11.10.14.15.16.31.17.31.20.05.21.35.00.10.13
 ТВ - анонс.
 7.10 «Сурти буйлаб» дастури:
 «Қандай гуваъ бу дунё»
 7.25 Миллий кино: «Робия»
 7.50 «Тонги наволар»
 8.00 «Тохилинома»
 8.50 Хотин-қизлар кунига бағишланган байрам дастури.
 «Болалар сайёраси»:
 10.30 «Курсикнинг саргуашт-лари», М/ф.
 11.00 «Ахборот»
 11.15 «Аёл қалби наволари»
 11.30 «Очк, дастурхон»
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 12.50 «Икким»
 12.55 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
 13.40 «Рангин дунё»
 14.00 «Ахборот»
 14.20 «Аъна»
 14.40 «Аёл бахти»
 15.00 «Икким»
 «Болалар сайёраси»:
 15.05 «Тўжарас», М/ф.
 15.35 «Бувим ёпган нон», В/ф.
 16.35 «Наврў сояичи»
 16.45 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Мен ёшликман»
 17.00 «Ахборот»
 17.10 «Олтин мерос»
 17.20 «Нафосатта йўрилган матонат»
 17.40 «Қизлар давраси»
 18.55 «Менин оилам»
 19.20 «Афшор»
 19.25. 20.00, 20.55 Эълонлар.
 19.30 «Ахборот» /рус/.
 20.10 Миллий сериал: «Меҳмон-хонадон айлани»
 20.45 «Аёл гуваъли оламни бизар». Мусикий дастр.
 21.00 «Ахборот»
 21.40 «Заковат»
 22.40 Миллий кино: «Бахт қадри»
 23.50 «Икким»
 23.55 - 00.05 Тунги наволар.
 00.05 Курсатгулар дастури.
 00.15 «Наврў сояичи»
 00.25 «Менин оилам»
 00.50 «Нафосат олами»
 1.00 «Ахборот» /рус/.
 1.35 «Ватанпарвар»
 2.15 «Нафосатта йўрилган матонат»
 2.30 - 3.30 «Мавнавият» дастури.
 3.30 «Салом, Ўзбекистон!»
 4.00 «Ахборот»
 4.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида»
 5.20 «Ики даре орликда»
 5.40 - 5.55 Тонги наволар.



АЙЕМИНГАЗ МУБОРАК, АЗИЗ АЕЛПАР
 6.55 Дастрининг очилиши.
 7.00 «Салом, Ўзбекистон!»
 7.30 «Давринг боласи»
 7.40 «Мультанорам»
 8.00 Миллий сериал: «Қалдиргонлар яна қайтди»
 8.35 «Шарқ гузали»
 8.40 «Рўзгор мактаби»
 9.10 «Қалтас» Ҳажвия.
 9.30 «Сиз бўлинг»
 9.50 «Аёл - муқаддас»
 9.55 «Баркамол авлод»
 10.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.
 10.30 «Давринг боласи».

ДУШАНБА — 8 МАРТ

10.40 «Сумалак базири», В/ф.
 11.30 «KINOMANIYA»
 12.00 «Эта ва Гита», Б/ф.
 14.20 «Аёл - муқаддас»
 14.30 «Салом, Ўзбекистон!»
 15.00 «Унутилмас оҳанглар»
 15.40 «Тавил ва таассурот»
 16.00 «ДАВР»
 16.10 «Давринг боласи»
 16.20 «Мультанорам»
 16.30 «Уйимдаги фаршам»
 16.50 «Ўрик кулаганда»
 17.00 Миллий кино: «Чинор остидаги дунё»
 18.00 «Yoshlar-FM»
 18.30 2010 - Баркамол авлод йили: «Бугундан эсдалик»
 18.50 «Икким»
 18.55 «Баркамоллик сари»
 19.00 «ДАВР»
 19.30 «Аёлга таъзим». Мусикий дастр.
 20.30 Миллий кино: «Келинлар гузали»
 21.40 «Шарқ гузали»
 21.45 «Табассум қил»
 21.55 «Телетуб»
 22.00 «ДАВР»
 22.30 Жаҳон киноси: «Пазандлик китоби»
 00.30 «Аёлга таъзим»
 1.30 «Юрт тинчилиги»

7.45 Спортчилар оиласи»
 8.15 ХАБАРЛАР
 9.20 Футбол. Чемпионат Германия. «Вердер» - «Штутгарт»
 11.00 «Ринг қироллари»
 11.50 «Фиртигор». Вадим Миньков.
 12.15 Вольейбол. Ўзбекистон чемпиони.
 13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.

 11.00 Болалар майдончаси: «Спортландия»
 Мультфильм.
 18.30 «Арена»
 18.45 ХАБАРЛАР
 19.05 Гангбол. Ўзбекистон чемпиони.
 19.55 «Спорт - менинг ҳаётим»
 20.15 «Диплом моти»
 20.45 Саломатлик ҳазинаси.
 20.50 «Суртидан милликалари»
 21.10 Футбол шарҳи.
 21.45 ХАБАРЛАР.
 22.00 Саломатлик ҳазинаси.
 22.05 Интернетбол.
 23.55 Тунги наволар.
 00.05 «Хайри тиб»

1 БИРИНЧИ

05.00 09.00 11.00 Новости
 05.10 М/ф «Три толстяка»
 05.50 Х/ф «Одинокая женщина клявет поклонником»
 07.15 Х/ф «Гусарская баллада»
 07.55 Бенфика Ларисы Голубкиной
 11.10 «Лариса Голубкина. «Я тебя никогда не забуду...»
 12.05 Х/ф «Самая обаятельная и привлекательная»
 13.30 «Секс-символы. Российские звезды. Женщины»
 14.25 Концерт Патрисии Каас
 16.05 Х/ф «Служительный роман»
 18.45 «Достоиние Республики»
 20.00 «Время»
 20.15 «Достоиние Республики»
 22.00 Х/ф «Лицо со шрамом»
 00.50 Х/ф «Поворот»
 02.30 Х/ф «Встретимся у фонтана»

РОССИЯ 1

05.05 Х/ф «Вас ожидает гражданка Никанорова»
 06.40 Х/ф «Здравствуй и прощай»
 08.30 Х/ф «Спортлото 82»
 10.20 Х/ф «Деревенский романс»
 14.00 17.00 «Весты»
 14.20 «Все песни для любимой»
 16.30 17.10 Х/ф «Любовь и голуби»
 18.50 «Бабы, вперед!»
 22.00 «Праздничное шоу В. Юдашкина»
 00.25 Х/ф «С глаз - долой, из чарта - вон!»
 02.25 Х/ф «Так она нашла меня»
 04.25 «Честный детектив»
 05.55 М/ф.
 06.15 Х/ф «Ларец Марии Медичи»
 08.00 «Сегодня»
 08.20 Х/ф «Одиноким предоставляется общежитие»
 10.00 «Сегодня»
 10.20 13.20 16.20 Х/ф «Если

наступит завтра»
 13.00 16.00 «Сегодня»
 17.05 Х/ф «Бомжиха»
 19.00 «Сегодня»
 19.20 Х/ф «Бомжиха 2»
 21.15 «8 Марта с И. Алегровой»
 22.20 «Мисс Россия - 2010»
 01.20 Х/ф «Боевая злига»
 03.10 Х/ф «Человек вне закона»

РОССИЯ К

07.00 «Ерөнхос»
 10.10 Киноконцерт
 10.40 Х/ф «Кубанские казаки»
 12.20 «Легенды мирового кино»
 12.55 Х/ф «Триколесные Тома Сойера и Гекльберри Финна»
 14.00 М/ф «Зеркальце»
 14.10 01.40 Д/ф «Весна на Галапагосских островах»
 15.00 «Наедине с романсом»
 15.55 Х/ф «Человек с бульвара Капуцинов»
 17.30 «Смехоностальгия»
 18.00 Т/с «Гордость и предубеждение»
 20.35 «Линия жизни»
 21.30 концерт в Риме 1990г.
 21.45 Х/ф «Мужчина ридом»
 00.25 Д/ф «Тадж-Махал»
 00.45 Д/ф «Блестятельная Жозефина Байкер»
 02.35 Д/ф «Галамес - оазис Ливии»

СТС

08.00 Х/ф «Драгоценный пес»
 10.00 М/ф «Золушка»
 10.20 М/с «Смешарики»
 10.30 М/с «Эмекс и Ферр»
 11.00 «Одна за всех»
 15.45 Х/ф «Железный человек»
 18.00 «б кадров»
 18.30 «б кадров»
 18.50 М/ф «В поисках Немо»
 20.30 Т/с «Плывни дочки»
 23.00 Х/ф «Знахаровия»
 01.00 Х/ф «Запах женщины»
 04.00 Х/ф «Золотой след»

ТВБ3

08.00 Д/ф «Тайные знаки. Со смертью на ты»
 09.00 «Решити судьбы» 30 ч.
 10.00 М/с «Аленький цветочек»
 11.00 Х/ф «Берегите женщин»
 14.00 Х/ф «Властелины вселенной»
 16.15 Х/ф «Денежный поезд»
 18.30 Х/ф «История вечной любви»
 21.00 Д/ф «Городские легенды. Грибоводский ЗАГС»
 22.00 Х/ф «Над законом»
 00.00 Х/ф «Бегство»
 02.30 Х/ф «Сухая кость»
 04.30 Т/с «Прах к праху»

THT

06.00 07.00 М/с
 08.25 «Саша+Маша»
 09.00 «Необычно, но факт»
 10.00 Х/ф «Чего хотят женщины»
 12.20 «Наша Russia»
 13.00 14.00 15.00 16.00 17.00
 18.00 19.00 20.00 21.00
 22.00 «Битва экстрасенсов»
 23.00 00.00 02.00 «Дом-2»
 03.30 «Секс» с Анфисой Чеховой»
 01.00 «Комеди Клуб»

ТОШКЕНТ

Хотин-қизлар кунли
 7.25 Курсатгулар тартиби.
 7.30 «Салом, Тошкент!»
 8.30 «Карвонсарой»
 8.40 Музит наволар.
 8.45 «Садокат», Б/ф.
 11.25 «Қаҳ-қаҳ», ғуруҳи тақдим
 11.55 Миллий мультфильмлар: «Фаррух ва Эумрад», «Баҳром ва Дипором», «Сехрли сандиқ»
 12.30 «Саргуаштлар ороли»
 12.55 14.25. 15.10.21.55 «Анонс»
 13.00 «Салом, Тошкент!»
 14.00 «Мафту»
 14.20 «Уйларим»
 14.30 «Кинотакдим»
 15.00 «Тойтахт»
 15.15 «Тошкентда патифа»
 15.25 «Самимият ила»
 15.55 «Болалikka қайтиб»
 16.15 «Малика ва етти баҳодир»
 М/ф.
 16.45 «Нима улуғ?»
 17.25 «Аёл қалби»
 17.45 «Карвонсарой»
 17.55 «Телетурьер-маркет»
 18.00 «Пойтахт»
 18.20 Миллий кино: «Сени излаб»
 1-қисм.
 20.00 Тошкент оқшомлари
 20.10 Истедот
 20.50 «Қушиқларда аёл маҳди»
 21.10 Менинг шарҳи
 21.30 «Тойтахт». Рус
 21.50 «Телетурьер-маркет»
 22.00-23.35 Миллий кино: «Сени излаб». 2-қисм.

SPORT

Хотин-қизлар кунли
 7.00 «Хайри тонг»
 7.05.8.25 19.00.21.40 Анонс.
 7.15 Хабарлар.
 7.25 Болалар майдончаси: Тонги гимнастика.
 Мультфильм.

НТВ

05.55 М/ф.
 06.15 Х/ф «Ларец Марии Медичи»
 08.00 «Сегодня»
 08.20 Х/ф «Одиноким предоставляется общежитие»
 10.00 «Сегодня»
 10.20 13.20 16.20 Х/ф «Если

2010-йил 5-март
 10 (911)-сон

Хабар

2010-yil 5-mart
10 (911)-son

ОУЗБЕКИСТОН

- 5.55 Курстувалар дастури.
- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 7.00 «Йилим».
- 7.05, 8.35, 11.10, 13.30, 14.15, 15.55, 17.10, 1.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 8.05, 18.55, 20.05, 21.35, 1.30 ТВ - анонс.
- 7.10 «Онам ва одам» дастури: «Экспедиция».
- 8.00 «Ахборот».
- 6.40 — 9.40 «Матаватчи» дастури. «Болалар сайраси».
- 9.40 «Урмон сабақчилиги» М.ф.
- 10.00 «Визинг қутубхона».
- 10.20 Сурхондар вилояти телерадиокомпанисини намойиш олдиди.
- «Кўнгилга таширди».
- 10.40 «Йиқи дарё оралиғида».
- 11.00 «Ахборот».
- 11.15 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
- 11.50 «Ахборот», инглиз/, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
- 12.50 «Йилим».
- 12.55 «Африка».
- 13.00 Миллий сериал: «Меҳмондонлардан айвални».
- «Болалар сайраси».
- 13.35 «Пити ва Понг» М/с.
- 14.00 «Ахборот».
- 14.20 «Буюк ақлодларимиз».
- 14.40 «Узингни асра».
- 15.00 «Йилим».
- 15.05 «Онам ва одам» дастури: «Жанубий Америка табиёти».
- 16.00 «Текзор хабарлар».
- 16.10 «Мен ёшликким».
- 16.25 «Наврўз соғинчи».
- 15.40 «Йиқи дарё оралиғида».
- 17.00 «Ахборот».
- 17.15 «Хўдўдлар хайти».
- «Болалар сайраси».
- 17.35 «Эрталар — шовиллиқа етаклар».
- 17.55 «Олтин мерос».
- 18.10 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
- 18.45 «Кўн мазусини».
- 19.00 «Навоийни англаш».
- 19.20 «15 — шифокор».
- 19.25, 20.00, 20.55 Шўлоқлар.
- 19.30 «Ахборот», рус/, 20.10 Миллий сериал: «Меҳмондонлардан айвални».
- 20.45 «Батаганини қуйлайман».
- 21.00 «Ахборот».
- 21.40 «Тўрага тулган товланмачилар».
- 21.55 «Муаббат фасли», Т/с.
- 22.35 «Йилим».
- 22.40 «Девани Дарғанд» Б/ф, 1-қисм.
- 23.25 — 23.35 Тунги наволар
- 23.35 Курстувалар дастури.
- 23.40 «Мен ёшликким».
- 23.55 «Ўйдин хайти» Ток-шоу.
- 00.40 «Наваийни англаш».
- 1.00 «Ахборот», рус/.
- 1.35 «Шарк гаваҳари».
- 2.15 «Наврўз соғинчи».
- 2.30 — 3.30 «Матаватчи» дастури.
- 3.30 «Салом, Ўшлар!».
- 4.00 «Ахборот».
- 4.30 Миллий сериал: «Турмуш чоррақаларида».
- 5.20 «Йиқи дарё оралиғида».
- 5.40 — 5.55 Тонгли наволар.

- 6.55 Дастурини очишти.
- 7.00 «Салом, Ўшлар!».
- 7.30 «Дарвинг боласи».
- 7.40 «Мультипанорама».
- 8.00 Миллий сериал: «Қалдиричлон яна қайтади».
- 8.35 «Келинчак кўлкам».
- 8.40 «Яшаш сирлари».
- 9.00 «UzEX».
- 9.05 «Қайси юлдузоданми?» Т/с.
- 9.55 «Йилим».
- 10.00 «ДАР».
- 10.10 «Барқарорлик йўли».
- 10.30 «Шарк гаваҳари».
- 11.10 «Саёрағимиз қудрати», Х/ф, 1-қисм.
- 12.00 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
- 12.50 «UzEX».

- 12.55 «Телетуҳфа».
- 13.00 «ДАР».
- 13.10 «Дарвинг боласи».
- 13.20 «Қорв ўздак» М/с.
- 13.30 «Тошкент илҳомлари».
- 13.50 «Набатчи».
- 14.00 «Салом, Ўшлар!».
- 14.30 «Гини оқоми», Х/ф, 1-қисм.
- 15.20 «Йиқи канотлари».
- 16.00 «ДАР».
- 16.10 «Дарвинг боласи».
- 16.20 «Мультипанорама».
- 16.30 «Биология дарси».
- 16.45 «Нашма».
- 16.50 2010 — Барқамол авлод йили: «Ёшлар ва таълим».
- 17.00 «Бағдод ўғриси», Б/ф.
- 18.20 «Қўлаш наволари».
- 18.30 «Қулшок тараққийети».
- 18.50 «UzEX».
- 18.55 «Барқамол авлод».
- 19.00 «ДАР».
- 19.30 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
- 20.20 «Ватан меҳри».
- 20.30 2010 — Барқамол авлод йили: «Келажак ағлари».
- 20.40 «Алпозарул».
- 21.00 «Йилим».
- 21.05 «Топ қўчади уйи», Б/ф, 1-қисм.
- 21.55 «Телетуҳфа».
- 22.00 «ДАР».
- 22.30 Кинолассика: «Ок бурлар».
- 00.00 «Хайбхаш наволар».
- 00.10 Миллий сериал: «Балои наво».
- 1.00 «Ўрт тичинчили».

TOHKENT

- 7.25 Курстувалар тартиби.
- 7.30 «Салом, Тошкент!».
- 8.30 Бизнес-Пойтахт».
- 8.35 «Карвонсарой».
- 8.45 «Эсмэралда» Т/с44-қисм.
- 9.15 Мумтоз наволар
- 9.25, 9.40, 15.10, 19.55, 21.15
- «Анонс».
- 9.30 «Пойтахт».
- 9.45 Миллий сериал: «Зебузар», 5-қисм.
- 10.10 «Аёл қалби».
- 10.30 «Пойтахт», рус/.
11.00 «Самый умный»
12.30 15.30 М/с «Том и Джерри»
13.00 «Галлео»
14.00 «Снимите это немедленно!»
15.00 «Одни дома»
16.00 М/ф «Чудеса на виражах»
18.00 21.30 «В кадре»
18.20 Т/с «Девушк молодежи»
19.15 Х/ф «Завтра не умрет никогда»
23.00 Х/ф «И целого мира мало»
01.30 Т/с «Гальгилли»
02.30 Х/ф «Принцесса спейс!»



08.00 Д/ф «Тайные знаки»
09.00 «Решеты судьбы»
10.00 07.00 Мультфильмы
10.45, 11.15, 11.45 М/с
12.15 Х/ф «Зимний вечер в Гаграх»
14.20 Х/ф «Призрак»
18.00 Д/ф «Тайны Нефертити»
19.00 Х/ф «Салон красоты»
21.00 Д/ф «Городские легенды. Моффилм»
22.00 Х/ф «Кошки против собак»
00.00 Х/ф «Приказано уничтожить»
02.45 Х/ф «Темный город»



06.00 07.00 М/с
08.25 05.50 «Саша+Маша»
08.50 «Необыкновенно, но факт»
09.50 «Первая Национальная лотерея»
10.00 «Школа ремонта»
11.00 Д/ф «Как найти жениха?»
12.00 «Комеди Клуб»
13.00 Х/ф «Западни»
15.30 16.00 16.30 Т/с «Универ»
17.05 Х/ф «Знамяне»
19.30 22.20 «Наша Russia»
20.00 Х/ф «Пятый элемент»
23.00 00.00 03.05 «Дом-2»
00.30 «Comedy Woman»
01.30 «Смех без правил»

Душанба

07.00 Байрам навалари
08.00,15.00,18.30 Т/с
«ЖАССИГА ҲУШАШИ
ЙҮҚ»
08.30 Байрам навалари
09.30 «КРАСОТКА»
худ.фильм
12.00 Байрам навалари
13.00 Концерт дастури
15.30 Мультфильм
17.00 Байрам навалари
17.30 «Bollywood
Markazida» (Байрам сони)
19.00 Байрам навалари
20.00 «ТҮНЛАР МУБО-
РАК» (Байрам дастури)
21.00 Байрам навалари
22.00 «ЛЮБОВЬ СЛУЧА-
ЕТСЯ» худ.фильм
00.00 Миксер

Сешанба

07.00,07.40,08.30,13.30,
17.00,18.10,19.00,20.30
Ўзбек навалари
07.30 Prime time (рус)
08.00,15.00,18.30 Т/с
«ЖАССИГА ҲУШАШИ
ЙҮҚ»
11.30 «Любовь случает-
ся» худ.фильм
15.30 Мультфильм

17.30 Премьера (узб)
18.00 Prime time (рус)
20.00 «КУЛИНАРНЫЙ
ГИД»
21.00 Т/с «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 «ПОКА ТЫ СПАЛ»
Х/ф
00.00 Миксер

Чоршанба

07.00,08.30,10.30,13.30,
17.00,18.00,19.00,20.30
Ўзбек навалари
08.00,15.00,18.30 Т/с
«ЖАССИГА ҲУШАШИ ЙҮҚ»
09.30 Т/с «Лас-Вегас»
11.30 «Пока ты спал» Х/ф
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Кинокурьер»
15.30 Мультфильм
17.30 «Премьера» (рус)
20.00 M-files
21.00 Т/с «ЛАС-ВЕГАС»
22.00-01.00 «АВСТРАЛИЯ»
худ.фильм

Пайшанба

07.00,07.40,08.30,10.30,
14.00,17.00,18.10,19.00
Ўзбек навалари
07.30 Prime time (рус)
08.00,15.00,18.30 Т/с

«ЖАССИГА ҲУШАШИ ЙҮҚ»
09.30 Т/с «Лас-Вегас»
11.30 «Австралия» Х/ф
14.30 Премьера (узб)
15.30 Мультфильм
16.30 «Baby Terra Landiya»
18.00 Prime time (рус)
21.00 Т/с «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 «МАКТУБ» бадийи
фильм
23.40 Миксер

Жума

07.00,08.30,10.30,13.10,
14.30,17.00,18.00,19.00
Ўзбек навалари
08.00,15.00,18.30 Т/с
«ЖАССИГА ҲУШАШИ ЙҮҚ»
09.30 Т/с «Лас-Вегас»
11.30 «Мактуб» бадийи
фильм
14.20 Prime time (рус)
15.30 Мультфильм
17.30 Премьера (рус)
21.00 «Bollywood
Markazida»
22.00-01.00
«UMRAO JON» Хинд
бадийи фильми

Шанба

07.00,07.40,14.30,16.50,
18.10,20.00 Ўзбек
навалари

07.30 Prime time (рус)
09.00 Мультфильм
10.30 «Bollywood
Markazida»
11.30 «Umrao Jon» Хинд
бадийи фильми
15.00 «МОСТ В ТЕРА-
БИТИУ» худ.фильм
17.30 «Кулинарный гид»
18.00 Prime time (рус)
19.00 «Топ-10»
20.30 «Бизинг мусика»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «НЯНЬКА ПО
ВЫЗОВУ» Х/ф
23.50-02.00 «Другая
музыка»

Якшанба

07.00,11.00,13.20,17.00,
18.10,21.00 Ўзбек
навалари
09.00 Мультфильм
10.30 «Baby Terra
Landyu»
11.30 «Нянька по
вызову» Х/ф
15.00 Т/с «ЖАССИГА
ҲУШАШИ ЙҮҚ»
17.30 M-files
18.00 Prime time (рус)
20.30 «Кинокурьер»
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «ОТ 13 ДО 30» Х/ф
23.50 Миксер

РОССИЯ 2**Душанба**

07.05 12.30 Конькобежный
спорт. Мужчины.
08.40 11.00 14.10 19.50 00.10
03.20 "Вести-Спорт"
08.55 Скелетон. Мужчины.
09.50 Бобслей. Мужчины.
11.20 17.50 Лыжные гонки.
14.00 00.00 "Вести.ру"
14.20 Фигурное катание.
Мужчины.
15.55 Мини-футбол.
20.05 22.15 01.25 Биатлон.
00.25 "Неделя спорта"
03.30 "Моя планета"

Сешанба

06.45 Хоккей. КХЛ.
08.55 11.00 14.10 20.10 00.10
02.30 "Вести-Спорт"
09.10 20.25 Биатлон.
11.15 03.45 Футбол. Чемпионат
Италии. "Фиорентина"
- "Ювентус"
13.30 19.30 "Скоростной уча-
сток"
14.00 20.00 00.00 "Вести.ру"
14.20 Бильярд.
16.05 06.00 "Рыбалка с Рад-
зиевским"
16.20 Автоспорт.
17.25 06.15 Волейбол.
22.55 "Футбол России"
00.25 Фигурное катание.
Мужчины.

02.40 "Моя планета"

Чоршанба

08.00 ЧМ по футболу.
08.35 11.00 14.10 20.10
00.10 02.35 "Вести-Спорт"
08.50 00.25 Фигурное катание.
11.15 "Футбол России"
12.15 Профессиональный
бокс.
13.30 05.50 Футбол. Обзор
чемп. Италия.
14.00 20.00 00.00 "Вести.ру"
14.20 Бильярд
16.00 Кудо. Открытый чемпи-
онат России.
17.35 Биатлон. ЧЕ. Женщи-
ны.
20.25 "Хоккей России"
21.25 Хоккей. КХЛ.
02.45 "Моя планета"
03.50 Футбол. Чемпионат
Италии. "Рома" - "Милан"

Пайшанба

06.25 18.55 21.25 Хоккей.
КХЛ.
08.35 11.00 14.10 18.40
00.10 02.40 "Вести-Спорт"
08.50 Фигурное катание.
11.15 03.50 Футбол. Чемпи-
онат Италии. "Интер" -
"Дженоа"
13.30 "Тожа отрыва"
14.00 18.30 00.00 "Вести.ру"

14.20 Бильярд. Гран-При
мастеров. Финал.
16.10 Кудо. Открытый чемпи-
онат России.
17.30 "Футбол России"
00.25 Церемония закрытия
XXI Зимних Олимпийских
игр.
02.50 "Моя планета"

Жума

06.20 20.55 03.50 Хоккей.
КХЛ.
08.30 11.00 14.10 20.10
00.10 00.30 02.40 "Вести-
Спорт"
08.45 Церемония закрытия
XXI Зимних Олимпийских
игр.
11.15 15.55 23.15 Автоспорт.
13.30 "Страна спортивная"
14.00 20.00 00.00 "Вести.ру"
14.20 Бильярд.
18.10 Биатлон.
19.45 "Рыбалка с Радзиев-
ским"
20.25 "Тожа отрыва"
00.40 Футбол. Чемпионат
Италии. "Катания" - "Интер"
02.50 "Моя планета"

Шанба

07.00 05.00 Баскетбол. НБА.
09.45 11.00 11.10 14.10

17.55 00.10 00.30 02.40
"Вести-Спорт"
10.00 14.25 18.10 Биатлон.
11.20 "Будь здоров!"
11.50 Церемония открытия
X Зимних Паралимпийских
игр.
14.00 00.00 "Вести.ру"
15.55 Автоспорт.
19.00 Хоккей. КХЛ.
22.00 Волейбол. ЧР. Муж-
чины.
00.40 Футбол. Чемпионат
Италии. "Наполи" - "Фио-
рентина"

Якшанба

07.40 Волейбол. ЧР.
08.50 11.00 11.10 14.10
16.30 00.10 00.30 02.40
"Вести-Спорт"
09.05 Футбол. Чемпионат
Италии. "Наполи" - "Фио-
рентина"
11.20 "Страна спортивная"
11.45 14.25 15.10 21.15 Би-
атлон.
13.30 Дневник X Зимних
Паралимпийских игр.
14.00 00.00 "Вести.ру"
16.40 02.50 Автоспорт.
18.55 Хоккей. КХЛ.
22.10 Баскетбол. ЧР.

Тошкент вилояти "TURON" ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон фан арбоби, адабиётшунос олим, мунаққид, таржимон, публицист, жамоат арбоби Озод Шарафиддинов хотирасига бағишланган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Озод Шарафиддинов сабоқлари

Унда Тошкент шаҳар жамоатчилик вакиллари, талабалар, ҳарбий хизматдаги ёшлар, олимлар, шоир ва ёзувчилар, матбуот, маданият ходимлари, мунаққиднинг дўстлари, шогирдлари, мухлислари иштирок этишди.

Сўзга чиққан олимлар, ёзувчи, шоир ва шогирдлар Озод Шара-

фиддиновнинг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган педагог, инсон ва адабиётшунос олим сифатида босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўли, болалиги ва ёшлик йилларидаги китобхонлиги, айниқса, ижодда шижоат билан долзарб масалаларни кўтариб чиқиши, биринчи мақолаларидаги глобал масалалар халқимиз-

ни жаҳон маданияти билан таништириш йўлидаги ишлари, ахлоқдаги ибратлиликка оид лавҳалар, жамятдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда фаоллиги, бошқаларни ҳам олдимизда турган вазифаларни ҳал қилишга сафарбар қилиши билан XXI аср ижодкори эканлиги, устозлардан ўрганиш, шогирдларга ўргатиш ҳақида, ҳар қандай шароитда ҳам ойдин мақсадларни амалга оширишдаги тўсиқларни енгиш учун собитқадамлиги, изчиллиги ҳақидаги ҳаётий мисоллар асосида фикр юритдилар.

"TURON"нинг ўқув залида намойиш этилган олим ва педагогнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги ҳужжатли филм, кутубхона музейидаги стенд, китоблари кўргазмаси, санъаткорларнинг чиқишлари, тадбирдан кейин ҳам давом этган давра суҳбатлари тадбирнинг мазмун-моҳиятини янада кенгайтirdи.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Самарали механизм

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида "Ўзбектелеком Мобайл" ҳамда бошқа худудий филиаллар ҳамкорлигида хизмат кўрсатишнинг самарали механизми жорий этиш юзасидан семинар ўтказилди. Тадбирда филиалнинг туман телекоммуникациялар боғламалари мижозлар билан ишлаш бўлимлари бошлиқлари ва операторлар ҳам иштирок этишди.

"Ўзбектелеком" АК филиалларида "Ўзбектелеком Мобайл" филиали абонентларини тармоққа улаш ва уларга хизмат кўрсатиш тартиби, "Ўзбектелеком Мобайл" филиали билнинг тизимидан фойдаланиш, филиал тармоғига абонентларни улаш, тўловларни қабул қилиш, телефон аппаратларини сотиш, абонентларга сервис хизматларини кўрсатиш мавзуларида филиал мутахассислари Умид Кўчқоров ва Дилмурод Раззоқовлар маъруза қилдилар.

Семинарда CDMA-450 мобил алоқа тармоғига уланишни ташкил этишдаги вазифалар, тармоқда бўладиган ўзгаришлар, янги ўрнатиладиган база станциялари тўғрисида маълумотлар берилиб, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

Гиёҳвандлик — иллат

Тошкент ахборот технологиялари университетида "Пойтахт ёшлари гиёҳвандликка қарши" мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Уни университет Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўлими бошлиғи Эъзола Қаринова очди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот хавфсизлиги маркази бўлими бошлиғи ўринбосари подполковник А.Шоҳақимов гиёҳвандлик инсоният учун энг хавфли ва оғир оқибатларга олиб келадиган офат эканлиги ҳақида тўхталди.

Тошкент шаҳар наркологиya диспансери амбулато-

рия бўлими мудири З.Отабоев ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир сўнггида ИИВЖҚ ва ТҚКББ Наркотрафик ва наркотик моддаларни ғайриқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси томонидан тайёрланган "Аянч ва кулфат вабоси" филми намойиш этилди.

Йиғилиш сўнггида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ жавоблар олдилар ва ўз фикрларини баён этдилар.

Дилноза НУРМУҲАМЕДОВА,
ТАТУ МАТ бўлими методисти

“O‘ZBEKTELEKOM” АК
“СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ”
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ


Юртимиз аёлларини
Халқаро хотин-қизлар куни
билан табриклайди.



Истагимиз —
хонадонингиз янада фаровон,
дастурхонингиз тўқин
бўлсин!

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ
ЖАМОАСИ

Меҳр-шафқат ва садоқат
тимсоли бўлмиш аёлларимизни
8 март байрами билан қутлайди.



Азиз онахонлар, мухтарам опа-сингиллар!
Сиз билан дунё гўзал. Тилагимиз —
иқболингиз бундан-да порлоқ бўлсин!

Фарғонада ёшларга, ўринбосарларга эътибор азалдан кучли бўлган. Бу эзгу анъанага вилоят алоқа соҳаси фидойилари — Ф.Файзиев, В.Безруков каби инсонлар тамал тошини қўйишган.

➔ BARKAMOL AVLOD — MAMLAKAT KELAJAGI

— Истеъдод, илм, машқ ва меҳнат — ана шу эҳтиёжлар кишини юксакларга қўтаради, — дейди “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали директори Муродил Маҳмудов. — Биз ёшлар учун қатор имкониятларни яратяпмиз ва улардан истеъдодни ишга солиб, ўқиш-изланишни, ўзини меҳнатда кўрсатишни талаб қилаймиз.

Дарҳақиқат, филиалда ўтган Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ёшлар учун кўплаб иш ўринлари яратилди. ТАТУни тугаллаб келган йигитларнинг тўрт нафари филиал бошқарувида иш бошлади. Уларнинг бунёдкорлик руҳини ҳис этиб, кўнглингиз кўтарилди. Йигитлар ҳар бир кунлари сермазmun ва самарали кечаётганидан бахтиёр, эртанинг ишқи билан яшамоқда. Айниқса, уларни футбол жипслаштиради. Буни йигитлар зўр мамнуният билан таъкидлашади. Бўлмасамчи, спорт спортида — меҳнат самарадорлигини оширади, зеҳннинг табиий қувватини кучайтиради.

Энди филиал касаба уюшмаси қўмитаси ҳужжатларига кўз ташласак. Сўнгги икки йилда ТАТУ битирувчиларидан 6 нафари филиалга ишга қабул қилинди. 2009 йилда уларнинг маошига 30 фоиздан устама бериб келинмоқда. Жами бу мақсадга 3 млн. 800 минг сўм сарфланди.

Олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган талабалар шартнома тўловларига 6 млн. 295 минг сўм ўтказиб берилди. Янги йилда болаларга совғалар учун 9,5 млн. сўм, 110 нафар болани соғломлаштиришга 11 млн. 500 минг сўм, илк марта никоҳдан ўтаётган 33 нафар ёшга (энг кам иш ҳақининг саккиз баробари миқдоридан) жами 7,5 млн. сўм маблағ ажратилди.

— Баркамол авлод йилида юқоридаги мақсадлар учун, жумладан, болаларни ва ёш мутахассисларни соғломлаштириш, Арсиф кишлоғида ташкил этиладиган анъанавий спартакиада учун янада кўпроқ маблағ ажратилади, — дейди филиал касаба уюшмаси қўмитаси раиси Алижон Иброҳимов.

Энди мазкур филиал раҳбариятининг ёшларга меҳру оқибат борасидаги ишлари тўғрисида шу ерда меҳнат қилаётган ёшларнинг дил сўзларига қўлоқ солинг:

Алижон МЕЛИЕВ:

— Соҳага қизиқиб қолишимнинг сабаби олдий. Қўшнимиз ТАТУга ўқишга кирдию, ўзгариб кетди. Вазмин, жиддий, хушмуомала. Бу олий ўқув юрти шундай нуфузли экан, мен ҳам ўша ерда ўқийман, деб аҳд қилдим. Тинимсиз ўқиб, тестга қаттиқ тайёргарлик кўрдим ва олдимга қўйган ниятимга етдим. Бюджет асосида ўқишга қабул қилиндим. Тошкен-



Ўқи, излан, камол топ, ЕШЛИК!

ти азимда кечган тўрт йил менга кўп нарса берди. Билим олиш лаззати ҳар лаҳза ҳаётимга ғурур бағишлаб турди.

Мана икки йилки, филиал почта алоқаси бўлимида мутахассисман. Рост, дастлаб хавотирландим. Ишга, жамоага кўникиш, бу синов, қандай ўтарканман, деб. Бироқ тезла шубҳаларим тумандек тарқали. Жамоа мени ўз фарзандидек кутиб олди. Муродил ака Маҳмудов, Расул ака Қамбаров, бўлим бошлиғи Юлдуз опа Абдуллаевалар каби устозларим меҳрдан баҳраманд ишляпман. Талаб ҳам шунга яраша.

Ҳужжатларни аниқ ва пухта юритиш муҳим. Буни билардим. Аммо ўқиш бошқая амалиёт бошқа экан. Ишнинг ҳадисини олиш осон бўлмади. Эндиликда шаҳар, туман почта алоқаси тармоқлари, алоқа бўлимлари фаолиятини текшириш ишларида ҳам иштирок этияпман. Камчилиги ва хатоларнинг, моддий ва маънавий йўқотишларнинг олдини олишда нафим тегаётганидан ўзим ҳам мамнунман.

Тан оламан, хонада баъзан оқшомларгача қолиб ишлаш энгил кечмади. Сабр-тоқатни пойдор этдим ва ишлашдан хузур топишга муяссар бўлдим. Энди меҳнат фаолиятини бошлаган дўстларимга сўзим битта: “Кам гапиринг, кўп эшитинг, ундан ҳам кўпроқ тафаккур қилинг. Зотан, биз “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали обрўсига обрў қўйиш учун биргаликда курашимиз керак”.

Бунёдбек ДАДАБОЕВ:

— Ёшлик — имкониятлар даври. Мен умримнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишга интиляпман. ТАТУда ўқишни орзу қилиб, Фарғона давлат университетининг академик лицейида таълим олдим. Натижада орзумга етдим.

Шу-шу биламанки, агар инсон сидқидил интилса, энг олий мақсадларига ҳам етади. Компютер бўлимида раҳбарим Дилмурод ака Жўраев билан астойдил ишляпман. Устозимдан кўп нарса ўргандим. Ҳали билмаганларим қанча! Ҳамон ҳар сонияни қадрлайман. Жадал ривожланаётган соҳада ишлаганлар бунга янада чуқур англашади. Келажақда магистратурада таҳсил олиш орзум бор. Ахборот технологиялари, интеллектуал салоҳият асри ҳам биз ёшлардан шунга талаб қилади.

Муродил МАМАЖОНОВ:

— Ўтган йилда талабаликнинг олтин даврини ортда қолдириб, иш бошладим. ТАТУда таҳсил йилларида — хўб жўшқин дамлардан масрур бўлдим. Энди эса ёшликнинг илк меҳнат-машаққатларини тотиб турибмиз ва қувончлиси, уялиб қолмаяпмиз. Бунинг учун биз ТАТУда чидам ва бардош билан сабоқ берган Гулчеҳраҳон Назарова, Хабираҳон Саидова, Клараҳон Саидаимова каби устозларимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Улар бизга яхши мутахассис бўлиш сирларининггина эмас, яхши инсон бўлиш сирларини ҳам ўргатишди. Тақдирни қўл билан яратур одам, ғойибдан келажақ

бахт бир афсона, дея буюк шоиримизнинг ўғитларини тақрорлашарди. Мана, энди улар айтганларидек, ўз бахтимизни ўз қўлимиз билан яратяпмиз. Бинобарин, ёшликнинг бутун гўзаллиги ҳам ана шунда бўлса керак.

Раҳмат сизларга, азиз устозлар!

Ҳасанбой МАМАЖОНОВ:

— Йигитнинг энг гуллаган даври қирқ ёш, таъкидлашади руҳиятшунослар. Лекин, бу ўша даврни қўл қовуштириб кутиш дегани эмас, албатта. Унга “замин” ҳозирлаш керак. Хуллас, ҳаммаси олдинда, катта ишларни қилишга улгураимиз деб хотиржамликка берилиш ҳам ярамайди. Фаровон кунларимизни тезроқ яқинлаштириш учун ҳали жуда кўп пешона тери тўкишимиз лозим бўлади. Ахир, биз ёшлар билимларни бир пасда миямизга қўйиб оламизу улардан ҳаётимизни бойитиш учун қўллашда анча гўрлик қиламиз.

Учкўприк туманидаги энг нуфузли “Зиё” академик лицейида таълим олганим, ТАТУда давлат гранти асосида таҳсил олганим менга ғойибона куч бағишлаган эди. Ана шу куч шарофати билан “Электрон ҳужжатлар самарадорлигини ошириш” дипломи ишимни муваффақиятли ёқладим. Бир муддат филиал обуна бўлимида ишладим. Энди Кўқон почта алоқаси тармоғида хавфсизлик техникни вазифасига киришдим. Мени қаерга қўйишса ҳам жон кўйдириб ишлаб, соҳани мукамал егалламоқчиман. Шунда элу юртга нафли инсон, энг зарур мутахассис бўлиб етишаман.

Ахроржон КОДИРОВ:

— Олийгоҳни тугаллаб, филиал иқтисод, таҳсил, прогностлаш бўлимида иш бошладим. Мақсадим — ТАТУ Фарғона филиалида таҳсил олганимни ибратли фаолиятим билан улуглаш. Бизнинг юқори даражада билим олишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Олий ўқув юртида иштиёқ билан ўқидик, изландик. Энди унданда олий орзулар йўлида-миз. Электрон қўлланмалардан фойдаланиб, ҳамон билимларимизни оширишга интилоқдамиз. Делфи дастурига оид ҳамма материаллар билан танишиб боряпман. Янада эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмасдан, ҳаммиша олдинга интилишга ўргатган устозларим Ёлдор ака Юсупов, Фазилдин Полвоновлардан тоабат миннатдорман.

Ўзидан қоникмаслик ҳисси, омон бўл, умрбод ҳаёт йўлларимни ёритиб тур!

Ҳафиза САЛЯХОВА,
“Xabar”нинг

Фарғона вилоятидаги мухбири

Баркамол авлод йили Давлат дастурига кўра, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали учун янги бино қурилади.



➤ ORAMIZDAGI ODAMLAR

Хушкайфият сохибаси

Сурхондарё вилояти “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонасининг юздан зиёд шохобчаси бор. Уларда асосан аёллар хизмат кўрсатмоқда. Тамара Исанова айна пайтда Термиз шаҳридаги 29-матбуот дўконига самарали меҳнат қилиб, шартнома режасини ойма-ой уддалаяпти. Бунга қандай эришяпти?

Тамарахоннинг дўкони шаҳарнинг “Тараққиёт” кўчасида жойлашган. Йўлнинг серкатновлиги, қолаверса, тураржойлар, мактаб, вилоят прокуратураси ҳамда бир нечта алоқа корхоналари ақин бўлганлигидан шохобча олди гавжумлашади. Ана шунда Тамарахон газетхон ва журналхонларнинг ҳар бири билан самимий мулоқотда бўлиб, матбуот бозорини қиздиришга ҳаракат қилади.

— “Бекажон”ни сўрадингизми?

— Ҳа, олажон, иложи бўлса янги сонини беринг!

— Марҳамат.

— Қани “Ҳордиқ”ни олингчи, уни ўқиб бир ҳузур қилайлик, йўғон овозли киши шундай дея сеvimли нашрини кузата бошлади.

— Тамара Исановадек фидойи ходимларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, — дейди вилоят “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси раҳбари Тоҳирхон Жўраев. — Улар муомала маданиятини ўрнига қўя билишлэптани учун ҳам матбуот нашрлари ихлосмандлари қатори камаймаяпти. Ўз навбатида, бундай фаолиқ рақобат бозорига бўш келмаслигимизга кенг имқон бермоқда.

Дарҳақиқат, ўтган Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида корхо-

на кўзланган мақсадга эришишида Тамара Исановага ўхшаш меҳнаткаш опа-сингиллар хизмати яққол билинди. Улар нафақат кундалиқ матбуот нашрлари, балки кўшимча хизмат турларини йўлга қўйишда ҳам ҳаммага ўрнатди.

— Бу дўконга тез-тез келиб турман, — дейди “Alskom” суғурта компаниясининг вилоят филиали ходими Муҳаббатхон Бўронова. — Газета ва журналларнинг сотилмасдан сарғайиб ётганини ҳеч қачон кўрмаганман. Китоб, канцелярия маҳсулотлари ҳам тез харидорини топади. Дўконнинг доимо ораста туриши ҳавасга арзийди. Буларнинг барчаси Тамара Исанованинг касбига муҳаббати натижаси, албатта.

...Матбуот дўконига келган галдаги киши аввало Тамарахонни баҳор ва шодлик байрами — Халқаро хотин-қизлар куни билан табриқлади, сўнгра “Халқ сўзи”, “Ишонч”, “Чағониён” каби газеталарнинг янги сонларини харид қилди. — Синглим, минг раҳмат сизга, — деди. — Биз фахрийларнинг ҳар куни хизматимизда бўлиб, дунё воқеаларидан хабардор этиб турибсиз, кўп яшанг ва доимо шундай ширин муомалада бўлиб юринг.

Кўп йил олий даргоҳларда хизмат қилган пенсионер олимнинг дил сўзлари Тамара Исановага янада жўшқин кайфият бахш этди. Беихтиёр танлаган касбидан фахрланиб қўйди.

Нортожи ЗИЁЕВ,

“Хабар”нинг

Сурхондарё вилоятидаги мухбири

➤ BIZGA YOZADILAR

Онажоним — дуогўйим

Она бир жаннатмаво ошиён, чексиз меҳр ва муҳаббатга тўла хазинадир. У ўнта фарзандни ҳам бирдай оқ ювиб, туганмас меҳри ила тарбиялайди. Фарзандига кўз тегмасин деб, ҳамиша жисман ва қалбан бирга бўлади. Айтингчи, дунёда онадай дўст борми? Менимча йўқ, чунки сиз дўст деб билган дутона ёки ўртоғингиз бир кун келиб сизга панд бериши, хиёнат қилиши мумкин. Она-чи — она сизни еру кўкка ишонмайди. Онагизга ўз мақсад, ният ва орзуингизни айтсангиз, унинг амалга ошиши учун соф тилаклар билдиради, дуолар қилади. У ўзи емай едиради, киймай кийдиради, армонларга айланган орзуларини сизда амалга ошишини қалбан хоҳлайди.

Ўз юмуш ва ташвишларимиз билан овуниб баъзан чиндўст ва дуогўйимизни унутиб қўямиз. Аммо қанча улғайиб қолган бўлсак ҳам улар учун боламиз. Ҳамиша “Яхшимисан, ўзингни эҳтиёт қил, Аллоҳнинг ўзи қўласин”, — дея дуо қилишдан чарчамайди онамиз.

Она меҳрини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Шу ўринда А.Ориповнинг “Она” шеъри ёдимга келди.

Баъзи тунлар кўкка тикиб кўз, эслаб дейман онамни шу он.

Она кетса юлдуз-ку юлдуз, кулаб тушса арзийди осмон.

Айни дамда мен ўзим она сифатида икки нафар ўғлимни воёга етказяпман. Уларни имонли, эътиқодли ва садоқатли инсон қилиб тарбиялаш ота-она учун улкан масъулиятдир.

Бир куни кичик ўғлим бочада ёд олган қўшиғини хиргойи қила бошлади.

Кўшиқ айтиб шодлигидан бағрига босиб,

Ҳар хил кийим, дўппи тикиб менга муносиб.

Уйқум келса, ала айтиб туриб бошимда,

Юрганимда ҳамроҳ бўлиб юриб қошимда.

Бу қўшиққа мен ҳам жўр бўлдим. Шунда ўғлим “Сиз ҳам биласизми?” деб қолди ва “Унда сиз айтинг мен йиғлайман. Кўшиқни эшитсам юрагим галати бўлади,” — деди. Менимча, гап қўшиқ айтиш ёки йиғлашда эмас, балки мурғак қалбнинг онага бўлган ишончи, эътиқодида бўлса керак. У онага бўлган муҳаббати шунчалар кучлилигидан юраклари ларзага келган. Онасини шунчалар севувчи инсон ҳеч қачон Ватанига, юртига хиёнат қилмайди. Онаси, оналаси, юртининг тинчлигини ва иқболини ўйлайдиган фарзанд доим яхши орзу-ниятлар билан тарбияланади. Унинг келажаги учун эса оналар ҳамиша масъул бўлади.

Маҳбуба СУЛТОНОВА,

ТАТУ “Радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари” кафедраси катта ўқитувчиси

☎ “О‘ЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
“АНДИЖОН ТЕЛЕКОМ”
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва нафосат байрами — 8 март билан муборакбод этади.



Кўркамлимизга ала айтимиз. Сизга бахт-содат, сулуқайрат ва гўл етсин!

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимизнинг барча аёлларини, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш тизимида меҳнат қилаётган опа-сингилларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан қутлайди.



Бахтимизга доимо соф-саломат бўлинг!

Услубий ёрдам

Ўзбекистон Республикаси Мудо-афа вазирилик ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2007 йил 24 октябрдаги қўшма қарорига асосан, Жанубий амалий йўналиш тасарруфидаги ҳарбий қисм муассасалари ва ахборот-кутубхона марказлари ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

Шу қарорга кўра, 2010 йил 23-25 феврал кунлари Термиз туманидаги

9232-ҳарбий қисм кутубхонасига ахборот-кутубхона маркази илмий-услу-бият, ахборот-библиография бўлимлари кутубхоначилари томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Ҳарбий қисм кутубхонаси фон-дидаги мавжуд 2600 нусха адабиёт тартибга келтирилди, мазмунан эскирган, замон талабига жавоб бермайдиган адабиётлар фонддан олинди.

Ҳарбий қисм кутубхонасига “Баркамол авлод — келажак та-янчи” мавзuida лунгайрилган китоб кўргазмаси ташкил этил-ган. Кутубхона фонди замон та-лабига мос адабиётлар билан бойитиб борилмоқда.

Н.ХОЛМУРОВА,

Сурхондарё вилояти

АКМ илмий-услужият бўлими мудир

➤ **NAZM GULSHANI**



МИТТИ ҚУЁШЛАР

*Майсаларми бу кўтарган
заминдан бошлар*

*Ва ё кўкдан гуж ёғилган
ёғдулар — ёшлар.*

*Кўзларимда порлаб қолган
хайратми, қувонч —*

*Адирларни босиб кетган
митти қуёшлар.*

ЧУМОЛИ

*Ризқ териб тинмайди
саҳардан доим,*

*Улуғлаб бу олам
неъматларини.*

*Менга ҳам бўлмасми
берсанг, худойим,*

*Шу жажжи чумоли
гайратларини.*

МАЙСА

*Яшил тиллари қуриб,
Тогдек гурурли майса —*

*Тупроқ ёриб,
Тош суриб*

*Кўтариб чиқди найза.
Ҳаёт учун зўр кураш,*

*Бошланиб битди қизиб.
Офтоб мехри,*

*Кўр талаш,
Яшнаб кетди ер юзи.*

МЕҲНАТКАШИ

*Баҳор сочин ўйнаб таради,
Попукларин ёйиб ҳимоли...*

*Капалаклар гулни сўради,
Дон ташийди инга чумоли.*

Абдуҳай НОСИР

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладикки, Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Мақамасининг 2001 йил 24 октябрдаги “Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат бож миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 421-қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Мақамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятнинг лицензиялаш тўғрисида низоми”нинг 45-бандига асосан:

“СИНЧОР” хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг (Термиз ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001865 рақамли;

“АЛОҚА-ТЕЛЕ-ЛЮКС” хусусий корхонасининг (Қарши ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002406 рақамли;

“Сурхон электр алоқа махсус таъмирлаш” масъулияти чекланган жамиятининг (Термиз ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001413 рақамли;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг “Granit” илмий-ишлаб чиқариш корхонаси қошидаги “GRANIT” қурилиш-монтаж корхонасининг (Бухоро ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000926 рақамли;

“PARKET-ELIT” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002383 рақамли;

“Алоқа таъмир таъминот” хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг (Қарши ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001970 рақамли;

“Зиёда” кўп тармоқли кичик корхонасининг (Андижон вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002522 рақамли;

“FAYZLI XIZMAT” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002523 рақамли;

“ALOQA VA TOZA ENERGIYA TECHNOLOGIYALARI” шўба корхонасининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001757 рақамли;

“SHAMS” илмий марказ масъулияти чекланган жамиятининг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берил-

ган АА серияли 0001724 рақамли;

“TASHSOTTA’MIRQURILISH” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002000 рақамли;

“Терра-Дон” хусусий корхонасининг (Қарши ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002022 рақамли;

“АВАДИ ЛЮКС ХИЗМАТ” масъулияти чекланган жамиятининг (Андижон ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002085 рақамли;

“ТЕХКАФОЛАТ” хусусий фирмасининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001597 рақамли;

“TEMIR XIZMAT” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002550 рақамли;

“Электр алоқа монтаж” хусусий кичик корхонасининг (Андижон вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001672 рақамли;

“VIP UNIVERSAL SERVIS” шўба корхонасининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001741 рақамли;

“FAYZ-TELECOM” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002146 рақамли;

“NERS ENERGY MOUNTING” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002192 рақамли;

“PRONTO TELEKOM PLUS” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002153 рақамли;

“Кароматилло-Файз” хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002255 рақамли;

“Кароматилло-Файз” хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002256 рақамли;

“Кароматилло-Файз” хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) ҳалқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002257 рақамли;

“БОКИЕВ ЭЛМУРОТ ИСМАТОВИЧ” фирмасининг (Қашқадарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хиз-

матларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002434 рақамли;

“SHAH SARDOR PLUS” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002455 рақамли;

“PREMIUM SVYAZ STROY” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002515 рақамли;

“Mirjalol qurilish shixrati” хусусий корхонасининг (Бухоро вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002659 рақамли;

“CELL TECHNOLOGY COMMUNICATION” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002672 рақамли;

“CELL TECHNOLOGY COMMUNICATION” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002701 рақамли;

“RUXSHONA ALOQA SERVIS” хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002666 рақамли;

“RUXSHONA ALOQA SERVIS” хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002667 рақамли;

“RUXSHONA ALOQA SERVIS” хусусий корхонасининг (Навоий вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002682 рақамли;

“GULBOG” ALOQA SERVIS хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002669 рақамли;

“GULBOG” ALOQA SERVIS хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002670 рақамли;

“GULBOG” ALOQA SERVIS хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) ҳалқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002671 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 26 февралдан 10 иш кунига тўхтатилди.

Табриклаймиз!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фаргона филиали жамоаси Дангара почта алоқаси тармоғи ходими Турсунали МАМАЗИЕВНИ 60 ёш, Бешарқ почта алоқаси тармоғи ходими Зулфиниса ШОМУРОВАНИ 55 ёш, Яйпан ва Қува почта алоқаси тармоқлари ходимлари — Шарифжан РИЗАЕВ ҳамда Уринбой МАМЖОНОВАНИ 50 ёшга тўлиқлашга мубоарат билан чин дилдан қутлайди. Уларга мустахкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолани кўришиликни тилайди.

“Фаргона Телеком” филиали жамоаси Кўкюн ТБ ходими Светлана НУТАЙБЕКОВАНИ 60 ёш, Учкўприк ТБ ходими Соҳижон КОМИЛОВНИ 55 ёш билан самимий табриклайди. Уларга сижат-саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳат-фароғатини кўришиликни тилайди.

“ЎЗИ-Самарқанд” филиали жамоаси 221/222-АТС менежери Нунуддин ХОЖИЕВ ҳамда корхона ходимлари Саодат Суярова ва Хайринос Атақулловани 50 ёшлари билан қизгин қутлайди. Уларга мустахкам соғлиқ, узоқ умр тилайди.

“Ўзбектелеком” АК “Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиали жамоаси коммутатор цехи бошлиғи Маҳсуманон КУЧКИНОВАНИ қутлаб 50 ёш билан табриклайди. Унга сижат-саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт ва меҳнат фаолиятида улкан зафарлар тилайди.

Хурматли Муҳаббат ШАРИПОВА!
Сизни муборак 60 ёшингиз билан табриклаймиз. Мустахкам соғлиқ, бахт-саодат, фарзандларингиз, набираларингиз роҳатини кўриб юришингизни тилаймиз.

“Магбуот тарқатувчи” АК жамоаси

ШАХМАТ

**ФИДЕ РЕЙТИНГИ:
НАФИСА КУЧЛИ
ЙИГИРМАЛИКДА**

Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ жаҳоннинг энг кучли шахматчилари янги рейтингини эълон қилди. Ҳар уч ойда янгилаб бориладиган рейтингда иқтидорли спортчимиз Нафиса Мўминова йигирма ёшгача бўлган шахматчи қизлар рейтингини ўн ўртинчи ўринда қайд этилган.

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2011 йилги Осиё чемпионати саралаш босқичи доирасидаги сўнги учрашувда Бирлашган Араб Амирликларига имкониятни бой берди.

Гарчи терма жамоамиз мuddатидан аввал Осиё чемпионати йўлланмасини нақд қилиб қўйган бўлсада, йилнинг дастлабки учрашувда мағлубиятга учрашни истамаётган эди. Бундан ташқари, ўзбекистонлик футболчилар шу пайтга қадар БАА билан 9 марта рўбарў келишган бўлсалар, ҳали бирон марта Тошкентда рақибдан устун кела олишмаганди. Шу маънода ҳам ўйин муҳим аҳамият касб этарди. Лекин Миржалол Қосимов ўйиндан олдин айтганидек, қора анъанага чек қўйиш, бу сафар ҳам насиб этмади.

Осиё чемпионати-2011 саралаш босқичи.

ЎЗБЕКИСТОН – БАА 0:1

Гол: Султон Ал Менхоли (90+3)

ФУТБОЛ

Xabar

МУАССИС:

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ**

**Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ**

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Жума кун чикади

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: info@xabar.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ①
Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва даллаларнинг ҳақдонини учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Мавзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-202 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Алали: 19173 нуска.

Баҳоси келишидан нарҳда.
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: **Аслиддин БҲРИЕВ.**
Навбатчи: **Собит АҲАДОВ.**

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

2 3 4 5

ЖАҲОН СПОРТИ

**Туркменистон Қурбон Бердиевга
таклиф билан чиқди**

Қозоннинг «Рубин» клуби бош мураббийи ва вице-президенти Қурбон Бердиев Туркменистон президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига кўра ватанида бўлиб қайтди.

Туркменистон раҳбарлари мамлакатда кучли терма жамоани юзага келтириш, миллий чемпионат баҳслари савиясини ошириш ва бунинг учун зарурий тузилмани ривожлантириш ҳамда мутахассис кадрларни тайёрлашга аҳд қилишган. Туркменистонлик мутахассислар тажриба тўплаш, малака ошириш учун Қозонга сафар қилишди. Ўз навбатида, «Рубин» мураббийлари ўз ватандошларига қимматли маслаҳатлар билан ёрдам беришади.

**Номзодлардан бири —
Капелло**

«Советский спорт» газетасининг ёзишича, Англия терма жамоасининг амалдаги бош мураббийи Фабио Капелло Россия терма жамоаси устозлигига номзодлардан бири ҳисобланади.

Захира варианты сифатида голландиялик мураббий Дик Адвокатнинг номзоди кўрилмақда. Ўз вақтида Санкт-Петербурзнинг «Зенит» клуби билан УЕФА Кубогига голиб чиққан мутахассис иситилган вақтда Россия терма жамоасини қабул қилиб олишга тайёр эканлигини маълум қилган.

Ўртоқлик учрашувлари

Сешанба ва чоршанба оқшомида бир қатор ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтди. Демак, натижалар билан танишинг:

- Венгрия – Россия – 1:1
- ЖАР – Замбия – 1:1
- Руминия – Исроил – 0:2
- Люксембург – Озарбайжон – 1:2
- Швейцария – Уругвай – 1:3
- Австрия – Дания – 2:1
- Полша – Болгария – 2:0
- Голландия – АҚШ – 2:1
- Италия – Камерун – 0:0
- Уэлс – Швеция – 0:1
- Словения – Қатар – 4:1
- Белгия – Хорватия – 0:1
- Германия – Аргентина – 0:1
- Шотландия – Чехия – 1:0
- Англия – Миср – 3:1



**ОЛИМПИАДА-2010:
КАНАДА ТЕНГСИЗ**

Ванкуверда ўтказилган Қишки Олимпия ўйинларида медаллар учун курашда Канада барчани орта қолдирди.



Медаллар статистикаси

Жамоалар	Олтин	Кумуш	Бронза
1. Канада	14	7	5
2. Германия	10	13	7
3. АҚШ	9	15	13
4. Норвегия	9	8	6
5. Жанубий Корея	6	6	2
6. Швейцария	6	0	3
7. Швеция	5	2	4
8. Хитой	5	2	4
9. Австрия	4	6	6
10. Голландия	4	1	3

Ўтганларнинг охири ошад бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси Иқтисод ва бошқарув факултети декани Мамлакат Маҳкамовага онаси

Санотҳожининг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
КҲИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Доцентлар: Олий математика — 1; Радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари — 1.
Катта ўқитувчилар: Фалсафа — 1; Алоқа қурилмалари электр таъминоти — 1;
Почта хизматини автоматлаштириш тизимлари — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Мавзил: Тошкент шаҳри,

Амир Темур кўчаси, 108-уй. Телефон: 238-64-06.

Хуш келдинг, баҳор!

Ўлкамизга фасллар келинчаги баҳор ташриф буюрди. Яна дарахт новдалари инжу маржонлар такиб, куртаклар очилишга чоғланди. Яна кушларнинг ёқимли чуғур-чуғури дилларга ором бағишлайди. Улар одамларни шукроналик билан умр кечиршига, бир-бирларига яхшилик тилаб, хар куни ва хар он савоб ишларни килишга, эзгуликка чорлайди, гўё.

Х, бу йилги баҳорни юрт-дошларимиз ўзгача иштиёқ, қувонч ва тошқин шижоат билан қутиб олмақдалар. Ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларимизда бошланган улкан бунёдкорлик ишлари бу йил ҳам давом этмоқда. Дарвоқе, бу йилги баҳорни қишлоқларда истиқомат қилувчи ўнлаб ёш оилалар намунавий лойиҳа асосида қурилган янги уйларида қарши олишяпти. Имтиёзли кредит асосида қишлоқ аҳлига бериладиган бундай уйлар кўплаб қуриляпти. Демак, яна ўнлаб оилалар хорижликларнида ҳавасини келтирадиган ана шундай уйларга кўчиб ўтадилар. Шунинг учун ҳам вилоятлар

меҳнат аҳлининг шаштлари баланд, кайфиятлари аъло. Улар ҳадемай ерга уруғ қадаб, экин экишни бошлайдилар. Элга фаровонлик, дастурхонларга тўқинлик улашаётган деҳқон ва фермерларимиз янги йил ҳам ўтган йилгидек сербарака, қишлоқ хўжалик экинлари серҳосил бўлишига ишонадилар.

Баҳор келиши билан атроф-муҳит ажиб бир чиройга бурканади. Одамларнинг гўзалликка ошуфта қалби поклик, саранжом-сарипталиқка интилади. Шунинг учун ҳам кўчалар турли чиқиндилардан тозаланади, дарахтлар кераксиз шоҳлардан халос этилиб, шакл берилади. Пойтахт кўчалари четда бир қафт ер борки, турфа гул кўчатлари ўтқазилди.

Баҳор юртимиз келажаги бўлган ёшларни хар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш борасида бошланган кенг қамровли ишларнинг авж палласи. "Баркамол авлод йили давлат Дастури тўғрисида"ги ҳукумат қарори қабул қилиниши билан ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан етук қилиб тарбиялаш борасидаги ишлар катта миқёсда бошлаб юборилди. Бу борада миллиардлаб сўм маблағ сарф этиляпти, оилаларда, боғча ва мактаблар, коллеж ва олий ўқув юртларида кўплаб амалий ишлар қилиняпти. Ўзларига кўрсатилаётган бундай гамхўрлик ва эътиборни юракдан ҳис этаётган ёшларимиз эса юртимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишга ҳисса қўиши ниятида билим олмақдалар, изланмоқдалар.

Демак, юртимиз келажаги янада буюк бўлади. Баҳорларимиз янада фарахли, тароватли бўлади.

Хуш келдинг, баҳор!

Муборак МИРКАМОЛОВА

Фарида Афрўз

Ўзбекистон — менинг Ватаним! Бу заминга Аллохнинг назари тушган деган гапда шубҳа йўқ. Бир-бирига меҳрибон, меҳмондўст, оқил инсонлар яшайди буида.

Кўкдам муборак!

Эрта тонгдан ҳаёт қайнайди, онасидан дуо олган ёшлар эзгу мақсадлари сари шошадилар — кимдир ишга, кимдир ўқишга. Сўлим боғлару хиёбонларда бобо ва бувижонлар жажжи набираларини етаклаганча кексалиқнинг тотли, саодатманд дамлари ила банд — ахир, данагидан мағзи ширин-да! Кўчалари равон ва озода, маҳаллалари обод ва кўркам, шаҳару қишлоқлар кўркига кўрк қўшиб турган бинолар, ҳашаматли коллежлару мактаблар кўнгилларга ажиб гурур ва фах бахш этади...

Ўзбекнинг фарзандлари доно, зукко, билимдон ва албатта бахтли. Доимо ўқиш-изланишда, ўз истеъдоди, тафаккури билан дунёда ҳеч кимдан кам эмасликларини исботламоқдалар. Бу борада уларга буюк аждодларимиз ҳаёт йўли ибратдир.

Юртимизга Баҳор ташриф буюрди! Эндигина ниш урган аброу найсонлар кўчаларимиз, хонадонларимизга файз бериб баҳри дилимизни очади энди. Баҳор барчамизни янги ижодга, янги гоёлар яратишга, олға интилиш, меҳнат ва яна меҳнат қилишга ундаши аниқ. Кўкдаминг муборак бўлсин, Ватаним!

Гулнора АЛМАТОВА,
ТАТУ ходими

Аёли сев...

Аёли сев,
аёлга ёлбор,
Минг бир кеча эртақларинг айт,
Алломишлар тугиб беради.

Аёли сев,
остонасин ўп,
Қаср қурма, кўнглини сўра,
Бало келса, туриб беради.

Аёли сев,
Уламан дегил,
Ишқ яратган парвардигордан,
Сенга умр сўраб беради.

"РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ" ДУК ЖАМОАСИ

Мамаликатишиз аёлларини
Халқаро хотин-қизлар куни
билан муборакбод этади.

Азиз опа-сингиллар!

Кўкдаминг нафаси тобора яқинлашиб
келаётган ушбу куниларда сизга энг
эзгу тилакларинишизни
йўл кўрсатганишиздан бахтиёрлиш.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ФАРФОНА ФИЛИАЛИ жамоаси

8 март

Халқаро хотин-қизлар айёми билан
мўтабар онахонларимизни, қадрли опа-
сингилларимизни самимий қутлайди.

Мухтарама аёллар!
Хонадонингиздан ҳеч қачон
тинчлик-тотувлик, қут-барака
аримасин!